201__
Ansher
nomid
O'zbekiston

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

28 (512) ● 2018 йил 18 июль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## ЎҚИТУВЧИНИНГ ИЖТИМОИЙ МАВҚЕИНИ ОШИРИШ ЎҚУВЧИ КАМОЛОТИНИНГ БОШ ОМИЛИДИР

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 июль куни умумий ўрта таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.***

Унда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, соҳанинг масъул вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирок этди.

Кейинги йилларда таълим соҳасининг барча босқичларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш бўйича қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 сентябрдаги қарорига мувофиқ, Халқ таълими вазирлигининг бошқарув тизими такомиллаштирилди, асосий вазифа ва фаолият йўналишлари белгилаб берилди. Яқинда вазирлик раҳбариятида ўзгаришлар амалга оширилиб, ўқув-тарбия жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқитувчиларнинг ижтимоий мавқеини юксалтириш орқали таълим сифатини ошириш бўйича кўплаб вазифалар қўйилди.

Йиғилишда ушбу кўрсатмалар асосида ишлаб чиқилган халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлар тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари умумий ўрта таълим тизими инсон ресурсларини ривожлантиришнинг пойдевори, мактаблар ёшларда билим, дунёқараш ва маънавият асосларини шакллантирувчи асосий маскан эканини таъкидлади.

Бугун мамлакатимиздаги 9,7 минг мактабда 5,2 миллион ўқувчи таълим олади, ўқув-тарбия ва бошқарув жараёнида 450 мингдан зиёд ходим меҳнат қилади.

Йиғилишда қайд этилганидек, кейинги йилларда коллеж ва лицейларга кўпроқ эътибор қаратилиб, умумтаълим мактабларини замон талабларига мослаштириш, уларни яхлит тизимга бирлаштириш масаласи четда қолди. Ушбу тизимга бюджет маблағлари охирги навбатда ажратиб келинди, халқ таълими ходимлари ўз вазифасидан ташқари бошқа ишларга мунтазам жалб қилинди. Оқибатда таълим сифати пасайиб кетди.

Ўқитувчилар болалар билан ишлаш ўрнига, ота-оналардан пул йиғиш, турли текширувчи комиссияларни "рози қилиш" билан овора бўлиб қолди. Бу эса, давомат тушиб кетиши, ўқувчиларнинг қаровсиз қолиши, тарбияси бузилиши ва айрим ҳолларда турли зарарли оқимларга қўшилиши ҳолатларини келтириб чиқарди.

Ҳозир замоннинг ўзи "инсон капитали"га сармоя киритишни кўпайтиришни тақозо этмоқда. Негаки, бугун сармоядор илгаригидек арзон иш кучи бор жойга пул тикаётгани йўқ. Сабаби, шиддатли илмий-техник тараққиёт малакасиз ишчига эҳтиёжни кескин камайтириб юбормоқда.

Шу муносабат билан Халқ таълими вазирлиги раҳбариятига ушбу тизимда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Давлатимиз раҳбари масаланинг кўлами ва таълим тизимининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, аввало, ўқитувчининг ижтимоий мавқеини ошириш зарурлигини таъкидлади. Мисол учун, Жанубий Корея, Япония, Германия, Канада каби давлатларда ўқитувчининг маоши мамлакатдаги ўртача ойликдан 1,5 баробар кўп. Мамлакатимизда эса ўқитувчининг маоши ўртача ойликнинг атиги 79 фоизини ташкил этади.

Шунингдек, ўқитувчиларнинг мавқеини ошириш учун уларни бегона ишларга жалб қилишни, фаолиятини текширишни чеклаш керак. Бунинг учун ўқитувчининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қиладиган махсус ҳуқуқий хизматни шакллантириш, ижтимоий роликлар яратиб, уларнинг обрўсини ошириш зарур.

Айни пайтда умумтаълим мактаблари директорлари ва уларнинг ўринбосарларига қўйиладиган талабни қайта кўриб чиқиш лозим. Яъни, ҳақиқий бошқарувчи (менежерлик) қобилиятига эга бўлган кадрларни директорликка тайинлаш, маънавий-маърифий ва ўқув ишлари бўйича ўринбосарлар масъулиятини кескин ошириш, сертификация тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бу мактабларда ички жамоавий назорат тизимини яхшилашга хизмат қилади. Намунавий мактабларни кўпайтириш учун уларнинг рейтингини ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёев халқ таълими тизимида молиялаштириш қониқарсиз аҳволда эканини яна бир бор таъкидлаб, ўтган йили соҳага ажратилган бюджет маблағларининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 4,1 фоиздан 3,8 фоизга камайганини қайд этди. Шунинг учун Молия вазирлиги 2019 йилги Давлат бюджетини шакллантиришда мазкур соҳанинг улушини оширишга алоҳида эътибор қаратиши керак.

Давлатимиз раҳбари тизимга юқори малакали мутахассислар жалб қилишни, Халқ таълими вазирлиги ҳузурида уларни рағбатлантириш мақсадида алоҳида жамғарма ташкил этишни таклиф қилди.

Яна бир муаммо мактабларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича бир неча давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилганига қарамай, уларнинг 60 фоизи таъмирталаб аҳволда қолаётганидир. Асосий сабаб эса қурилиш-таъмирлаш ишларига "нопок" пудратчилар жалб этилаётганида. Шу муносабат билан тегишли мутасаддиларга халқ таълими тизимида махсус инжиниринг компанияси ташкил этиш бўйича таклиф бериш топширилди.

Шавкат Мирзиёев умумий ўрта таълим сифатини янги босқичга кўтариш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бунда давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини ўқувчининг ҳар бир синфда қайси кўникмаларга эга бўлишни инобатга олган ҳолда, қайта кўриб чиқиш керак. Олий ва мактабгача таълим тизимлари билан узвийликни таъминлашга ҳам эътибор бериш лозим.

2-бет

**Ёшлар сиёсати**

## ЭРТАНГИ КУННИНГ ПОЙДЕВОРИ БУГУНДАН ҚЎЙИЛАДИ

### "ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ" ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИГА КИРИШИЛДИ

***Мамлакатимиз раҳбарининг шу йил 28 июнда қабул қилинган "Ёшлар — келажагимиз" Давлат дастури тўғрисида"ги фармони ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ёш ишбилармонларнинг истиқболли гоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқариш ва бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтаришга қаратилган. Айни пайтда мазкур фармон асосида тасдиқланган "Ёшлар — келажагимиз" Давлат дастурини барча туман ва шаҳарларда амалга оширишга киришилди.***

Дастур ижроси учун Ёшлар иттифоқи ҳузурида "Ёшлар — келажагимиз" жамғармаси, унинг туман ва шаҳар филиаллари ташкил этилди. Бу тузилма маблағларидан ёшларнинг бизнес-лойиҳалари учун йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит берилади.

Айни кунларда қатор вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари, шу жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида тузилган ишчи гуруҳлари ҳудудларда бўлиб, "Ёшлар — келажагимиз" Давлат дастури мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ижросини таъминлаш, мавжуд шарт-шароитларни ўрганишга киришди.

2-бет

**Замонамиз зиёлиси**

## ДУНЁ БИЛАН ҲАМҚАДАМ ОЛИМ

***Юртимизда анча-мунча ўлкаларнинг илм-фан намояндалари ҳавас қилса арзигулик зиёли олимларимиз кўп. Азбаройи камтарлик боис улар ўзларини кўз-кўз қилавермайдилар, ваҳоланки, исмлари аллақачон дунё фани солномаларига олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Ана шундай кишилардан бири-тиббиёт фанлари доктори, профессор Акрам Фозиловдир.***

Устоз ҳузурига боришдан аввал мазкур соҳа ҳақидаги маълумотларни ўрганишга, қомусларга ҳамда Интернет манбаларига мурожаат қилишга тўғри келди.

*"Ультратовуш тадқиқотлари ҳақида сўзлашдан аввал икки муҳим кашфиётни тилга олиш керак бўлади. Уларнинг биринчиси XVIII асрда яшаб ўтган итальян олими Ладзаро Спалланцанига оид. Айнан шу олим табиатда айрим жонзотлар ўзларидан инсон эшитмайдиган товушлар таратишини ва уларнинг аксини илғаш орқали адашмай мўлжал олишини исботлаб берди. Ультратовуш шу тариқа кашф этилди.*

8-бет

**Танқиддан сўнг...**

## "ТОШКЕНТ" АВТОВОКЗАЛИ КАПИТАЛ ТАЪМИР ҚИЛИНАДИ...

### ЛОЙИҲА-СМЕТА ТАСДИҚЛАНИБ, ИШ БОШЛАБ ЮБОРИЛГАН

Газетамизнинг 2018 йил 30 май сонида "Фотоайбнома" рукни остида "Тошкент" автовокзали: бугунги "манзаралар" сарлавҳали танқидий материал чоп этилган, унда қўшни давлатлар билан автобус қатнови йўлга қўйилгани, автобуслар эса айнан Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги "Тошкент" автовокзали орқали кузатиб-кутиб олиниши, бироқ унинг бугунги аҳволи бундай халқаро транспорт қатновларини амалга ошириш учун яроқли эмаслиги баён қилинган, мақолага автовокзалнинг бугунги ҳолатини акс эттирган фотосуратлар ҳам илова қилинган эди.

Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги ("Ўзавтотранс")нинг Тошкент шаҳар бошқармаси ушбу танқидий мақолага ўз муносабатини билдирди. Жавоб хатида "Тошкент" автовокзалини реконструкция қилиш ишларини 2019 йилнинг август ойига қадар якунлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тасдиқлангани, "Ўзавтотранс" агентлиги айни пайтда бош лойиҳачи "Energy Building Consulting" масъулияти чекланган жамияти ва бош пудратчи "Golden Stil Stroy" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда реконструкция ишларини бошлагани билдирилган.

Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши пойтахтимиз чиройига чирой қўшиши билан бирга, аҳоли ва меҳмонларга янада кенг қулайлик яратиши билан аҳамиятлидир.

Таҳририят

**Туризм — истиқболли соҳа**

## ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҲИССА ҚЎШИШ — АСОСИЙ ВАЗИФА

### ЎзМТДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ САЙЁҲЛИК СОҲАСИДА МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК ҚИЛМОҚДА

***Туризм — нафақат даромад манбаи, балки келажак инвестициялари учун ўзига хос сармоя ҳамдир. Шу боис айни пайтда юртимизда ички ва ташқи сайёҳлик хизматлари сифатини яхшилаш, тизим фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.***

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида туризмни ва сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, сайёҳлар учун мўлжалланган объектлар — транспорт, меҳмонхона ва сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ хизматлар қулайлигини таъминлаш, экотуризмни йўлга қўйиш учун зарур барча шарт-шароитни яратиш, туризм фаолияти билан шуғулланувчи фирма ва корхоналарга ҳар томонлама кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 июлдаги парламент палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида ЎзМТДП туризм соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, амалдаги қонунлар ижросини назорат қилиш юзасидан етарлича ташаббус ва фаоллик кўрсата олмаётгани танқид қилинган эди.

Тошкент вилояти экотуризмни ривожлантиришда беқиёс имкониятларга эга. Шу боис ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши мазкур соҳани ривожлантириш борасида амалий ишга киришган. Ўтган йили сентябрь ойида партиянинг Тошкент вилоят кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимлиги билан тузилган қўшма чора-тадбирларга асосан, туризм соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳамкорликни йўлга қўйиш, партия гуруҳлари турли соҳада олиб бораётган депутатлик назорати жараёнида туризм соҳасида амалга оширилаётган ишлар натижадорлигини баҳолаш тизими жорий этилди.

4-бет

**Мактабдан ташқари таълим муассасаларида**

## "БАРКАМОЛ АВЛОД" БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

***Мамлакатимизда ёшларни мактабдан ташқари таълимга кенг жалб қилиш, улар бўш вақтини мазмунли ва фойдали машғулотлар билан ўтказиши учун кенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида ҳам "Баркамол авлод" болалар марказлари фаолиятини янада ривожлантириш, улар учун янада қулай шарт-шароит яратилишига кўмаклашиш мақсад ва вазифалари белгиланган.***

Бугун барча даражадаги партия ташкилотлари ушбу дастурий вазифалардан келиб чиқиб жойлардаги "Баркамол авлод" болалар марказлари фаолияти билан танишмоқда, мавжуд ютуқ ва камчиликлар, муаммоларни ўрганмоқда. Жумладан, ЎзМТДП Фарғона вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари вакиллари тегишли масъуллар иштирокида вилоятдаги "Баркамол авлод" болалар марказлари фаолиятини атрофлича ўргандилар. Айни пайтда вилоят туман ва шаҳарларида биттадан, жами 20 "Баркамол авлод" болалар марказлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, унда ўқувчилар илм ва ҳунар сирларини эгаллаб келмоқда.



3-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини **www.milliytiklanish.uz** сайтида, шунингдек, **fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz** ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

MILLIY TIKLANISH газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
28 (512) 2018 йил 18 июль, чоршанба

# ЎҚИТУВЧИНИНГ ИЖТИМОИЙ МАВҚЕИНИ ОШИРИШ ЎҚУВЧИ КАМОЛОТИНИНГ БОШ ОМИЛИДИР

**< Давоми.**
**Бошланиши 1-бетда.**

Шу билан бирга, энг замонавий услублар асосида дарсликлар яратиш ва чоп этиш, мактабларда технология, муҳандислик фанлари, математика, санъат, чет тиллари йўналишларини кучайтириш, уларга таллуқли лабораторияларни қайта жиҳозлаш керак бўлади. Бу ўқувчиларда кўпроқ мустақил таълим олиш кўникмасини шакллантиришга ёрдам беради.

Президентимиз таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш лозимлигини таъкидлади. Хусусан, ўқув жараёнини самарали бошқариш тизимини йўлга қўйиш учун ўқувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар ва мактаблар бўйича маълумотлар базаларини яратиш, уларни марказлаштириш керак. Ўқувчиларни биринчи синфга қабул қилиш, мактабдан мактабга кўчириш ва бошқа хизматларни электрон шаклга ўтказиш фақат қулайлик яратади. Электрон шаклдаги фаолиятга ўтилса, ўқитувчилар соатлаб ҳужжат тўлдириши, қоғозбозлик билан шуғулланишига ҳожат қолмайди. Маълумотлар базаси ўқувчиларни идентификациялаш, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа тизимлар билан боғлаш имконини беради.

Бунинг учун мактабларни интернет тармоғи билан қамрашни кенгайтириш талаб этилади. Ҳозирги кунда бу борадаги кўрсаткич, афсуски, атиги 7 фоиз бўлиб турибди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Халқ таълими вазирлиги раҳбариятига тегишли қарор лойиҳасини тайёрлаш, бунда тизимни бошқариш бўйича барча даражадаги ташкилий тузилмаларни қайта кўриб чиқиш вазифаси юкланди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар умумий ўрта таълим соҳасида ислоҳотларни жадаллаштириш, таълим сифатини кескин яхшилаш, ўқитувчилар обрўсини ошириш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ўқув-тарбиявий ва бошқарув жараёнларини такомиллаштириш, раҳбар ходимларнинг ишга муносабатини тубдан ўзгартириш мазкур соҳада мутлақо янги тизим шаклланишига хизмат қилишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ўқувчи мактабни баркамол, мустақил ҳаётга тайёр инсон бўлиб битириши ўқитувчининг фаолиятига бевосита боғлиқ. Шундай экан, аввало, ўқитувчининг ижтимоий мавқеини юксалтириш ана шу эзгу орзу-умидларимизга эришишнинг муҳим асосидир.

**ЎзА**

**Фракция позицияси**

# БОЖХОНАГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Муҳокама қилинган ҳужжатлар кўйи палата мажлисига қадар сиёсий партиялар фракциялари, шу жумладан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида ҳам кўриб чиқилди. Фракция аъзолари ҳар бир қонун лойиҳаси муҳокамасига партия дастурий вазифалари ҳамда электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёндашдилар.***

Фракция аъзоларининг қонун лойиҳалари бўйича фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

**Акмал РАҲМОНОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоғини либераллаштириш, юртимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, божхонага оид қонун ҳужжатларини янада либераллаштириш, божхона расмийлаштирувларини соддалаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятни юритиш борасида сўнгги йилларда муҳим таркибий ўзгаришлар қилинмоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотлар 1997 йил 29 августда қабул қилинган "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги қонунни бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда қайта ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Шу мақсадда ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан божхона органлари ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида қонунийлик, очиқлик, шаффофлик ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қатъий риоя қилишига доир меъёрлар белгилаб қўйилмоқда. Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун божхона органлари ходимларининг жавобгарлигини ошириш, ташқи иқтисодий фаолиятни юритиш билан боғлиқ тартиб-таомилларда шаффофлик ва очиқликни таъминлаш ҳамда божхона ишини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, божхона фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва назорат техник воситаларини татбиқ этиш масалалари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши божхона органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллашишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини самарали таъминлаш юзасидан қўшимча ҳуқуқий механизмларнинг жорий этилишига хизмат қилади. Бу эса мамлакат миллий иқтисодиётини ривожлантиришга, фуқаролар ва тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга кўмаклашишни мақсад қилган ЎзМТДПнинг дастурий вазифалари билан ҳамоҳангдир.

**Назир СОБИРОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— Фракциядошларимиз "Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қизғин муҳокама қилдилар. Чунки бугун кўмир, нефть, табиий газ ва уран каби қазилма бойликлар жаҳон энергетика балансининг асоси ҳисобланади. Бироқ қазиб олиш ва фойдаланиш жараёнида уларнинг захиралари йилдан-йилга камайиб бормоқда. Иқтисодиётнинг ривожланиши, аҳоли сонининг ўсиши натижасида келгусида энергия ресурсларига бўлган талаб ва эҳтиёж янада ошиши табиий. Шу боис бугун бутун дунёда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда ҳам ушбу соҳанинг ривожи учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган қонуннинг яратилишини даврнинг ўзи тақозо этаётир.

Шу мақсадда ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳасида энергия самарадорлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли саломатлиги учун ўта хавфли саналган иссиқхона газларини камайтириш учун қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш масалалари ўз аксини топмоқда. Шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирларини ҳуқуқий тартибга солиш, давлат бошқарувининг ҳуқуқий асосларини белгилаш, ушбу соҳага фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқароларни жалб этиш ва фаол иштирокини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг энергия сиғими ва ресурс ҳажмдорлигини қисқартириш, миллий илмий-техникавий ишланмалар ва синовдан ўтган халқаро энерготежамкор илғор технологиялар тадқиқотларини амалиётга мақсадли жорий этиш соҳасида белгиланган устувор йўналишларни рўёбга чиқариш имконини беради.

**Муҳтарама РАМАЗОНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

**ЎзМТДП ташаббуси билан**

# ПОЙТАХТИМИЗДА ДАВЛАТ БАЙРОҒИ МАЙДОНИ БАРПО ҚИЛИНМОҚДА

***Юртимизда байроқ қадим-қадимдан озодлик, ғурур-ифтихор, ор-номус тимсоли бўлиб келган. Боболаримиз ҳамиша Ватан байроғини сарбаланд этиш йўлида курашган. Ватанимиз байроғи бугун ҳам халқимиз қалбида ватанпарварлик оловини ёқиб, уларни белни янада маҳкам боғлашга, миллатни эрк ва озодлик туғи остида бирлашишга чақираётгани, даъват қилаётгани айни ҳақиқат. Зеро, давлат байроғи мамлакат мустақиллигини белгиловчи тимсоллардан биридир.***



Шу йилнинг 21 июнида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Ёшлар қаноти" кўп сонли ёшларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда, Тошкент шаҳар ҳокимлигига пойтахтимиз марказида ёшларни ватанпарварликка ундовчи, халқимизнинг ғурурини акс эттирувчи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар барча фуқароларимизни бирлаштирувчи, пойтахтимизга ташриф буюрувчи меҳмон ва сайёҳларга миллатимизнинг ўзлигини намоён этувчи маёқ сифатида Давлат байроғи майдонини яратиш таклифи билан чиққан эди.

Ушбу таклиф Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланиб, қисқа фурсат ичида пойтахтимизнинг қайтадан чирой очган "Халқлар дўстлиги" майдонида маҳобатли байроқ ўрнатилди. Давлат байроғи ўрнатилган флагштокнинг баландлиги 65 метр, ҳажми 20 метрга 10 метр. Айни пайтда ушбу ҳудудда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизматининг маълум қилишича, шу йилнинг 22 июлида майдон фойдаланишга топширилади.

Миллат ғурури ва ифтихори — давлат байроғи ўрнатилган ушбу майдон унга ташриф буюрган ҳар бир ватандошимизга ўзгача кайфият бағишлаш билан бирга, Ватанимиз истиқболи билан боғлиқ эзгу орзуларимиз, келажакка бўлган комил ишончимиз байроғимиз тимсолида жилоланади, десак асло муболаға бўлмайди. Зеро, байроғимизни эъзозлаш фуқароларда ўз мамлакатига ва келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

**Ҳамдам НИЁЗОВ,**
**ЎзМТДП Марказий кенгаши ижроияҚўмитаси девони Ёшлар ишлари бўлими бошлиғи**

**Семинар**

***Мамлакатимизда аҳоли билан мунтазам мулоқот олиб бориш, уларнинг дарду ташвишларига қулоқ тутиб, оғирини енгил қилиш, муаммоларига самарали ечим топишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу борада сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари ҳам фаоллик кўрсатиб, фуқаролар мурожаатларида кўтарилган муаммоларни ҳал этишда кўмаклашмоқда, барча куч, имконият ва воситалар сафарбар қилинмоқда.***

# ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ — САМАРАЛИ ФАОЛИЯТГА КЎМАКДОШ

Пойтахтимизда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши "Аҳоли билан мулоқотда замонавий ва инновацион технологиялардан фойдаланиш қоидалари" мавзусида ташкил этган ўқув-семинарда ана шу масалалар муҳокама қилинди.

ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент вилоят ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари вакиллари ҳамда партия фаоллари иштирокида ўтган семинарда аҳоли билан мулоқот қилиш ва мурожаатлар билан ишлашда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш хусусида сўз борди. Иштирокчилар замонавий ахборот технологияларининг афзаллиги, тезкор ва шаффофлиги тўғрисида кенг маълумотга эга бўлди.

— 2017 йилнинг 12 июлида Президентимиз Шавкат Мирзиёев парламент палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлган видеоселектор йиғилишида депутат ва сенаторлар ўз сиёсий фаолиятлари ҳақида доимий равишда электоратни хабардор этиб бориши лозимлигини таъкидлаган эди, — деди тадбирда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова. — Бу жараёнда улар аҳоли билан мулоқот қилишда ижтимоий тармоқларда ўз саҳифаларини очиб, маълумотларни киритиб боришлари зарур бўлади. Чунки ахборот технологиялари жадал ривожланиб, мулоқот ўрнатишнинг тезкор усуллари пайдо бўлаётган ва такомиллашаётган бугунги кунда аҳоли мурожаатларини қабул қилиш ва уларга ечим топишда Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг ўрни беқиёс. Ўтган даврда бу борада муайян натижаларга эришилди, дейиш мумкин. Чунки парламент ва маҳаллий Кенгашлардаги кўплаб вакилларимиз Интернет орқали ўз фаолияти ҳақида сайловчиларни бохабар қилиб бормоқда, фуқаролар мурожаатлари асосида муаммоларни бартараф этишга кўмаклашмоқда.

Ўқув-семинарда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири, техника фанлари номзоди Қурбон Раҳмонов ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар ва ОАВ билан ишлаш бўлими бош мутахассиси Шуҳрат Сатторов ахборот технологияларининг афзалликлари ва улардан самарали фойдаланиш борасида маъруза қилди.

— Президентимиз ғояси билан бугун "халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак" тамойили мамлакатимиздаги барча соҳа ва жабҳани ҳаракатлантирувчи кучга айланди, — деди Қурбон Раҳмонов. — Мамлакатимизда сўнгги йилларда халқ билан мулоқотнинг осон ва тезкор усуллари ривожланмоқда. Биргина Facebook ижтимоий тармоғидаги "Халқ билан мулоқот" гуруҳининг аъзолари сони 175 мингдан ортиб кетди. Ёки ўтган даврда ҳукумат порталига ахборот технологиялари орқали



қилинган мурожаатлар икки миллиондан ортгани ахборот маконининг қулайлигини билдиради. Умуман, мамлакатимизда Интернетдан фойдаланувчилар сони 20 миллиондан ошди. Бу рақам аҳолининг маълум бир муаммо юзасидан тегишли идора ва мутасаддиларга тезкорлик билан, замонавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланган ҳолда мурожаат қилиши мумкинлигини билдиради. Шундай экан, халқ вакиллари ҳам Интернет майдонларида фаол бўлиши, мурожаатлар билан ишлашда ундан самарали фойдаланиши муҳим аҳамиятга эга.

Семинарда ЎзМТДП фракцияси аъзолари ўтган давр мобайнида нафақат оммавий ахборот воситалари, балки ижтимоий тармоқлардаги ўз саҳифалари орқали ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, Қонунчилик палатасида қабул қилинган ҳужжатлар ва муҳокамадаги қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда фаол қатнашгани қайд этилди. Ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни ўрганиш, аҳоли билан мулоқот натижалари ҳамда партия ғоя ва мақсадлари тарғиботига қаратилган фаолияти борасида Интернет фойдаланувчиларини мунтазам хабардор қилиб бордилар. Семинарда ЎзМТДПдан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар бу борада сусткашлик қилаётгани танқидий таҳлил қилинди.

— Ахборот технологиялари ислоҳотлар жараёнининг очиқлигини таъминлаш, давлат ва жамият ўртасида самарали ахборот алмашиш механизмини ўрнатишда муҳим восита саналади, — деди Шуҳрат Сатторов. — Айни вақтда ҳукумат, вазирлик ва идоралар, шунингдек, парламент аъзоларининг виртуал қабулхоналари ташкил этилгани, аввало, жаҳон амалиётига уйғун ҳолда соҳада қонун ҳужжатларини муттасил такомиллаштириб бориш, янги қонунларнинг мазмун-моҳиятидан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш ва уларни амалиётга самарали татбиқ этишга хизмат қилади. Қолаверса, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан бирга, аҳоли турмуш тарзини, ҳаёт сифатини оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Семинарда, шунингдек, сиёсий партиялар фаолиятини ижтимоий тармоқлар орқали ривожлантириш, халқ билан мулоқотни ташкил этишда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш усуллари, мулоқот самарадорлигини оширишда қўлланиладиган муҳим омиллар, баъзи муаммоларни аҳоли ва электорат муҳокамасига ҳавола этган ҳолда ечимини топиш каби масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Тадбирда иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар.

**Нурбек ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

**Ёшлар сиёсати**

# ЭРТАНГИ КУННИНГ ПОЙДЕВОРИ БУГУНДАН ҚЎЙИЛАДИ

## "ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ" ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИГА КИРИШИЛДИ

**< Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этаётир.

— Ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган "Ёшлар — келажагимиз" Давлат дастури ижросини таъминлаш долзарб вазифа саналади, — дейди айни пайтда Андижон вилоятидаги ўрганишларда қатнашаётган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Жумабоев. — Ушбу дастур ижросини таъминлашда, аввало, унинг мазмун-моҳиятини, ҳужжатда кўзда тутилган имкониятларни аҳолига, айниқса, ёшлар ва уларнинг ота-оналарига тушунтириш зарур. Шу боис вилоятдаги фаолиятимизни дастур тарғиботидан бошладик. Тарғибот-ташвиқот ишлари давомида аҳоли вакиллари, қўплаб йигит-қизлар дастурда назарда тутилган вазифаларга катта қизиқиш билдириб, бизнес лойиҳалари ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда яна бир имконият яратилганини таъкидламоқдалар. Ушбу дастур ижроси доирасида Хонободни намунали ҳудуд сифатида ташкил этиш режалаштирилмоқда. Дастурда ҳар бир туманда ажратиладиган кредит ҳажми ва уни олувчилар сони, кредит бериладиган фаолият йўналишлари, бунинг натижасида яратилиши зарур бўлган иш ўринлари миқдори аниқ белгилаб қўйилган. Шунингдек, ҳар бир фермерга биттадан банд бўлмаган ёшни бириктириш кўзда тутилган. Дастурда ўз аксини топган бу каби вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида хонадонмахонадон юриб, ёшларнинг муаммолари, қизиқишлари, оилавий шароити билан танишяпмиз. Аниқланган масала ва муаммоларни тегишли мутасаддилар билан биргаликда жойида ҳал этиш чоралари кўрилаётир.

Ишчи гуруҳ вакиллари дастлаб вилоятнинг Қўрғонтепа туманида бўлдилар. Бир кунлик иш жараёнида 700 га яқин хонадонга кирилиб, ота-оналар ва ёшлар билан суҳбатлашилди. Мулоқотлар давомида 350 га яқин масала кўтарилди. Хусусан, тадбиркорлик бўйича 22, банк-кредит соҳасида 178, бандлик бўйича 95, таълим соҳасига оид 18, фермерлик бўйича 11 ва спорт-соғломлаштириш, ижтимоий ёрдам ва бошқа масалаларда мурожаатлар қайд этилди. Мазкур мурожаатларни ҳал қилиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Дастурга мувофиқ Қўрғонтепа туманида 250 га яқин ёшларга кредит берилиши режалаштирилган. Йигит-қизлар билан мулоқотлар давомида уларнинг бизнес лойиҳалари, тадбиркорлик билан шуғулланишга қизиқишлари ўрганилмоқда. Шу асосда ёшларга кредит маблағлари ажратилиб, уларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ёхуд кенгайтиришига, иш билан бандлигини таъминлашга кўмаклашилади.

* * *

Яна бир ишчи гуруҳи вакиллари "Ёшлар — келажагимиз" Давлат дастурининг Навоий вилоятидаги ижросини ўз вақтида ва белгиланган тартибда бажарилишига кўмаклашаётир. Навоий шаҳридаги "Ёшлар маркази"да ташкил этилган тадбирда ҳудудда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди, вилоят штаби тузилди, вилоятдаги ўрганиш ишлари доирасида "йўл харитаси" аниқлаштириб олинди.

Ишчи гуруҳи таркибида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ёшлар масалалари комиссияси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Козим Тожиев, партия вилоят кенгаши раиси Илҳом Ражабов ҳам фаолият олиб бормоқда.

Вилоят штаби ишчи гуруҳларини маҳаллаларга йўналтириш, аҳоли билан суҳбатлашиш жараёнида сўровномалар ўтказиш, улар томонидан билдирилган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриш, уюшмаган ёшлар рўйхатини шакллантириш билан шуғулланади. Ишчи гуруҳи аъзолари дастлаб Кармана, ундан кейин Навбаҳор туманларида бўлди. Улар ҳар бир хонадонга ташриф буюриб, оиладаги ёшлар билан мулоқот олиб бормоқда, уларнинг муаммоларини ўрганмоқда, маҳаллалардаги бўш бинолар, ер майдонларини аниқлаб, улардан қандай фойдаланиш борасида вилоят ва туман штабига ахборот бериб турибди.

— Келажагимиз эгаларининг янги ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган йигит-қизларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш ва бандлигини таъминлашда "Ёшлар — келажагимиз" Давлат дастури муҳим ўрин тутади, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Козим Тожиев. — Шу йил 4 июль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Президентимиз ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш кейинги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланганини, аммо ёшлар билан ишлашда ҳамон камчиликлар мавжудлигини алоҳида таъкидлади. Рўй берган 17,5 минг жиноятнинг қарийб 31 фоизи ёшлар томонидан содир этилаётгани, уларнинг асосий қисми эса ўқимайдиган ва ишламайдиган ёшлардан иборат экани, албатта, ҳар биримизни ҳушёр торттириши шарт. Чунки ёшлар ишсизлик оқибатида турли ёт оқимлар таъсирига тушиб қолиши ёхуд ноқонунний тарзда чет мамлакатларга чиқиб кетиши мумкин. Бу каби муаммоларни бартараф этишда мазкур дастур ҳам ота-оналарга, ҳам ёшларга кўмакдош бўлади. Ҳудудда дастур ижроси доирасида олиб борилаётган ишлар билан танишиб, зарур тавсиялар берилмоқда.

Ишчи гуруҳ вакиллари, жумладан, парламент аъзоси Козим Тожиев, партия вилоят кенгаши раиси Илҳом Ражабов ҳамда ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони раҳбари, халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгаши депутати Фахриддин Ражабов Навбаҳор туманидаги "Қалқон ота" маҳалла фуқаролар йиғинидаги аҳоли хонадонларида бўлиб, ёшлар билан суҳбатлашдилар. Юзма-юз мулоқотлар давомида 1998 йилда туғилган З.Усмонов ва Ж.Баҳодиров ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш масаласида мурожаат қилди. Д.Ражабова эса чорвачилик ва паррандачилик билан шуғулланишга қизиқиши борлигини билдирди. Ишчи гуруҳ вакиллари кўмагида З.Усмонов ва Ж.Баҳодировнинг бандлиги таъминланадиган, Д.Ражабовага имтиёзли кредит олишига амалий ёрдам бериладиган бўлди.

Ишчи гуруҳларининг "Ёшлар — келажагимиз" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадидаги ўрганишлари барча ҳудудда давом этмоқда.

**М.КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Мактабдан ташқари таълим муассасаларида

# “БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ишчи гуруҳ вояга етмаганларнинг маънавий ва эстетик ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиш, ўқувчиларнинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, шунингдек, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, таълим-тарбия сифати, моддий-техника базасидан қай даражада самарали ва оқилона фойдаланилаётгани борасидаги масалаларни кўриб чиқди.

Марказларда йўналишлар бўйича тарғибот гуруҳлари ташкил этилиб, ҳудудлардаги маҳаллалар, чекка қишлоқлар ва мактабларга бориб, “Маҳорат машғулотлари”, ижодий ишлар кўргазмалари намойиш этилмоқда. Таълим берувчи мутахассисларнинг тегишли соҳа ва йўналиш бўйича малака ошириб бориши йўлга қўйилган. Республика миқёсида ўтказилган техник ижодкорлик йўналишидаги “Болалар техник ижодкорлиги” фестивали, “Йилнинг энг ёш ихтирочиси” кўрик-танлови, вилоят миқёсидаги “Зарб-2018”, “Ёш доирачилар” кўрик-танловида фахрли ўринларни эгаллаганликлари марказ ўқитувчилари ва ўқувчиларининг тиришқоқлиги, кўп йиллик меҳнати самарасидир. Жумладан, жорий йилнинг 14-17 май кунлари Қирғизистон Республикасида ўтказилган халқаро миқёсдаги “Менинг инновацион ғоям” фестиваль-танловида техник ижодкорлик йўналишида Фарғона вилояти жамоасидан Ёзёвон туман “Баркамол авлод” болалар маркази тўғарак аъзоси, 29-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Азизбек Неъматов халқаро танлов сертификатини қўлга киритди.



Қува тумани ва Марғилон шаҳар “Баркамол авлод” болалар марказлари машғулотларида болаларнинг қизиқиш ва қобилиятларини эътиборга олган ҳолда, уларнинг истеъдодини ривожлантиришда изчил ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, ўрганишлар давомида Қува туманидаги “Баркамол авлод” болалар марказининг моддий-техник базаси талаб даражасида эканлиги, 50 дан ортиқ замонавий компьютер, тикув машиналари, иситиш печлари, ошхона анжомлари, машғулот хоналари мебеллар билан жиҳозланганлиги ижобий баҳоланди.

Ютуқлар қаторида ҳали ечимини кутаётган масалалар ҳам талайгина. “Баркамол авлод” болалар марказларига қамраб олинган ўқувчилар сони вилоят ҳудудидаги мавжуд мактаб ўқувчилари сонига нисбатан таҳлил қилинганда, Марғилон шаҳар, Боғдод, Бешариқ, Бувайда, Фурқат, Тошлоқ, Данғара, Қўштепа ҳамда Фарғона туманларида ўртача 3-3,5 фоизни ташкил этади. Олтиариқ, Риштон, Учқўприк, Ўзбекистон, Қува туманларида бу кўрсаткич 4-4,2 фоиз, Сўх туманида 5 фоиз, Қувасой туманида эса 6,5 фоизга тенг. Ёзёвон туманидаги жами мактаб ўқувчиларининг 1,7 фоизигина мазкур марказга жалб қилинган бўлса, Фарғона шаҳрида бу кўрсаткич 0,5 фоизни ташкил этмоқда.

2017-2018 ўқув йилида мазкур марказларга жами 18 мингга яқин ўқувчи қамраб олинган. Улар техник ижодкорлик, бадиий ижодиёт, экология ва ўлкашунослик ҳамда чет тили йўналишидаги тўгаракларда билим ва ҳунар ўрганмоқда. Аммо мазкур марказларнинг техник ижодкорлик йўналишидаги авиамодель, ракетамодель, кемасозлик тўгарагларига мутахассис кадрлар етишмайди. Шу сабабданми айрим шаҳар ва туманлардаги “Баркамол авлод” болалар марказларида ушбу тўгараклар фаолияти тўлиқ олиб борилмаяпти. Қолаверса, вилоятдаги аксарият “Баркамол авлод” болалар марказида тўгараклар фаолияти бугунги замон талабларига мувофиқ эмас. Мазкур даргоҳларнинг моддий-техник базаси эскирган ҳамда яроқсиз ҳолатга келиб қолган. Шу сабабдан ҳам таълим жараёнида ўқувчиларга инновацион билим бериш суст.

Республикадаги кўплаб мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда “Баркамол авлод” болалар марказларидаги ҳолат, яъни таълим берувчи мутахассисларнинг асосий қисми ўрта-махсус маълумотга эга бўлган ўқитувчилардан иборатлиги Фарғонадаги мактабдан ташқари таълим муассасаларида ҳам кузатилмоқда. Мутахассисларнинг олий маълумот олишлари учун олий таълим муассасасига киришга имтиёзлар белгиланган бўлса-да, Марғилон шаҳар “Баркамол авлод” болалар марказининг бир нафар ходими, Фурқат туманидаги марказнинг бир услубчиси ва икки нафар тўгарак раҳбаригина олий маълумотли, холос.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги қарори асосида “Баркамол авлод” болалар марказлари ўқувчиларининг вилоят, республика ва халқаро кўргазмаларда эгаллаган ўринлари юзасидан рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилган. Аммо ишчи гуруҳи томонидан ҳудуддаги марказлар фаолияти ўрганилганда, ўқувчилар фақат вилоят ва республика кўргазмаларида иштирок этиш билан чекланганлиги кузатилди. Биргина Қува туманидаги марказ ўқувчилари халқаро кўргазмаларда қатнашган, холос.

— Вилоят маркази ҳисобланган Фарғона шаҳрида мактаб ўқувчилари сони 40 мингдан зиёд бўлса-да, “Баркамол авлод” болалар маркази уларнинг атиги 220 нафарини жалб қилгани ачинарли ҳол, — дейди ЎзМТДП Фарғона шаҳар кенгаши раиси Саидвали Юсупов. — Мазкур марказда инглиз тилини ўрганишга талаб юқори бўлиб, ота-оналар ва ўқувчилар билан бўлган суҳбатларда мавжуд тўгараклардан ташқари аниқ ва табиий фанлар йўналишида ҳам машғулотлар ташкил қилиниши таклифи билдирилди. Марказнинг моддий-техник ҳолати яхши, аммо тўгаракларга қатновчи ўқувчилар хавфсизлигини таъминлаш бўйича кузатув камераларини ўрнатиш ҳамда вилоят бўйича ўтказиладиган кўрик-танловларга боришда микроавтобусга эҳтиёж сезилмоқда. Вилоятдаги “Баркамол авлод” болалар марказларида ташкил этилган тўгаракларнинг барчаси ҳам тўлиқ фаолият юритмаслиги янада таассуфланарли. Бунга тўгарак раҳбарининг иш ҳақи миқдори камлиги, ота-оналар бадал тўлови эса вақтида тўланмаслиги асосий сабаб бўлмоқда. Ҳолбуки, барча марказларда ўқувчиларнинг кўрик-танловларда эгаллаган ўринлари юзасидан рағбатлантириш механизми ишлаб чиқилиб, амалга оширилса ўқувчилар орасида тўгаракларга қатнашиш истаги ўз-ўзидан ортиши барчага аён ҳақиқат.

Ўрганишлар давомида марказ ходимларини аттестациядан ўтказиб, уларга тегишли тоифалар бериш, шунга асосан ойлик маошларини қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқиш, юқори ташкилотларнинг гувоҳнома бериш тартибини ўрганиб, уни олган ўқувчига маълум бир имтиёзлар берилишини йўлга қўйиш таклифи билдирилди. Хорижий, жумладан, корейс, инглиз, рус тилларини ўрганиш бўйича тўгаракларни мукаммал тарзда ташкил этиш ва тажрибали мутахассисларни жалб қилиш чет тилига қизиқиши юқори бўлган ўқувчи ёшларга кенг имконият яратиш билан бир қаторда ўғил-қизларнинг келажакда касб танлашида муҳим ўрин тутиши қайд этилди.

Бир сўз билан айтганда, ўрганишлар шуни кўрсатдики, ушбу масканларни юқори салоҳиятли, малакали кадрлар билан таъминлаш, уларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, реконструкция қилиш, зарур техник, ўқув-услубий воситалар билан жиҳозлаш доимий эътибордаги масалалардан бўлиб қолмоқда. Зеро, “Баркамол авлод” болалар марказларининг фаолияти давр руҳига мос тарзда йўлга қўйилмас экан, ўғил-қизларимизнинг касб-ҳунар эгаллаш борасидаги қизиқиш ва интилишларини, иштиёқини сўндириб қўйишимиз ҳеч гап эмас.

**ЎзМТДП Фарғона вилояти кенгаши матбуот хизмати маълумотлари асосида “Milliy tiklanish” мухбири Дилфуза МАҲКАМОВА тайёрлади**

Маҳаллий Кенгашларди

# ДЕПУТАТ ДОИМО ФАОЛ БЎЛМОҒИ ЗАРУР

***Аҳоли ишончини оқлаш, уларнинг дарду ташвишларига малҳам бўлиш, манфаатларини ҳимоя қилиш ва аниқланган муаммоларни ҳал этишнинг барча чорасини кўриш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаолиятининг асосини ташкил этмоқда. Бу борада, айниқса, жойларда ташкил этилаётган “Уйма-уй”, “Депутат билан юзма-юз” лойиҳалари ва сайёр қабуллар муҳим ўрин тутаётир.***

Масалан, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари шу йилнинг ўтган даврида “Уйма-уй” лойиҳаси доирасида 32 маҳаллада аҳоли мурожаатларини ўрганди. Аниқланган муаммоларни ҳал қилиш бўйича корхона, ташкилот ва муассасаларга 42 депутатлик сўрови юборилди. Мазкур сўровларнинг 28 тасига ижобий жавоб олиниб, масалалар ўз ечимини топди. Чунончи, жорий йил бошида халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Баҳром Абдуллаев Хива тумани Пола султон маҳалласи фуқаролари мурожаатига асосан ҳудудда янги мактабгача таълим муассасаси қуриш бўйича тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборди. Натижада маҳалла ҳудудида мактабгача таълим муассасаси қурилиши Давлат дастурига киритилди ва бугунги кунда ишлар бошлаб юборилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Зулфия Исмоилова Хонқа тумани Тома маҳалласида уйма-уй юриб аҳоли билан суҳбатлашганида, фуқаролар маҳалла ҳудудидан оқиб ўтувчи Полвон канали устига кўприк қуришда амалий ёрдам сўради. Депутатнинг саъй-ҳаракати, тегишли ташкилотларга юборган сўровлари билан ички имкониятлар ҳисобидан кўприк қурилди. Энди пиёдалар ўтиши учун мўлжалланган бу кўприк одамларнинг узоғини яқин қилмоқда.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Зафар Каримов Хонқа туман Намуна қишлоғи ҳамда Қирқёп қишлоғи Обод маҳалласи ҳудудида жойлашган, бир ярим мингдан ортиқ аҳоли фойдаланадиган марказий сув насосини таъмирлаш зарурлиги тўғрисида тегишли ташкилотларга сўров юборди. Натижада масала ҳал этилиб, аҳоли томорқаларини суғориш учун имконият яратилди. Бундан ташқари, депутат Комила Собирова Гурлан туманидаги Усмон Носир кўчаси 15-уйда яшовчи фуқаро Омонжон Холмонованинг 2 нафар вояга етмаган ногирон фарзандига ҳомийлик ёрдами кўрсатиш ва уларга бепул физиотерапия муолажасини олиши учун Гурлан туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокорига депутатлик сўрови билан мурожаат қилди. Ушбу муаммо ҳам жойида ҳал қилинди.

Бироқ барча депутатлик сўрови ижобий ҳал қилиняпти, деб бўлмайди. Айрим сўровлар ҳатто, жавобсиз қолиб кетаяпти. Шу йилнинг ўтган даврида халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоларининг тегишли мутасаддиларга юборган 14 сўровига жавоб қайтарилмади. Бу 14 инсон, оила ёки маҳалла аҳлининг кундалик турмуши, ҳаёти, тақдирига “оёғи ердан узилган” мансабдорлар беписандлик билан қаради, деганидир.

Аҳоли депутатга ўз-ўзидан ёки бирор сабабсиз мурожаат қилмайди. Халқимизда азалдан орият кучли бўлган. Бирор муаммога йўлиқса, ўзи ёки қариндош-уруғлари ёрдамида ҳал қилишга ҳаракат қилади, мутлақо чораси топилмасагина ўзгага юзланиши мумкин. Партия ёрдамидан умид қилиб мурожаат этса-ю, унинг асосида юборилган сўровларга баъзи корчалонлар беписандлик билан жавоб бермаса, фуқаронинг депутатлардан, партиядан, қолаверса, давлат идораларидан ҳафсаласи пир бўлиши шубҳасиз.

Масалан, халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган Юсуфбой Рўзметов Боғот тумани Узумзор шаҳарчасида электр энергияси муаммосини ҳал қилиш учун янги трансформатор ўрнатиш борасида амалий ёрдам берилишини сўраб вилоят “Хоразм ҳудудий электр тармоқлари” АЖ бош директорига депутатлик сўрови юборган эди. Аммо бош директор мазкур сўровга ўз вақтида жавоб юборишни лозим топмаган.

Депутат Баҳром Абдуллаев Хива туман халқ таълими бўлими мудирига тумандаги Гандимиён қишлоғида яшовчи фуқаролар мурожаатлари асосида сўров юборган. Унда ҳудуддаги 32- ҳамда 41-умумтаълим мактабларида информатика, рус, инглиз тили фанлари бўйича мутахассис йўқлиги, ўқувчиларга малакали устозлар билим беришлари лозимлиги ҳамда ушбу мактабларнинг 10-синф ўқувчиларини дарсликлар билан тўлиқ таъминлашда амалий ёрдам бериш сўралган. Бироқ, ўқув йили тугади ҳамки депутатлик сўровига жавоб хати келгани йўқ.

Шунингдек, депутат шу йил бошида “Туямўйин-Урганч” минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш бошқармаси Хива туман бўлими бошлиғига Гандимиён қишлоғи Қорахўжа-2 маҳалласидан ўтган ичимлик суви қувурлари ёрилиб кетгани ва сув исроф бўлаётгани, аҳоли эса ичимлик сувисиз қийналаётганлигини қайд этиб, ушбу муаммоларни ҳал қилиш бўйича депутатлик сўрови юборган эди. Аммо унинг бу сўровига ҳам мутасаддилар жавоб беришмади. Ўтган давр мобайнида ҳудудда қанчадан қанча инсон сув билан боғлиқ муаммоларга дуч келаётганини наҳотки мансабдор шахслар ҳис қилишмаса?

— Депутатлик сўровига жавоб бермаслик қонунбузарликдир, — дейди ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Ражаббой Рўзметов. — Бундай ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳар қандай ҳолатга прокуратура органлари эътиборини қаратиш орқали депутатларимиз ўз ваколатларини ҳимоя қилишлари лозим. Депутатга беписандлик — халққа беписандлик эканлигини баъзи бир “ўзи хон, кўланкаси майдон” раҳбарларга яхши англатиб қўйишимиз зарур. Чунки, аҳоли ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлар кўмагига ишониб, уларга мурожаат қилаётир. Бу ишончга эса путур етказишга ҳеч бир мутасаддининг ҳақи йўқ.

Юртимизда олиб борилаётган барча ислоҳот, амалга оширилаётган ишлар инсон манфаатлари, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларига қаратилган. Жойлардаги камчилик ва хатоларни тўғрилашга, уларни бартараф этишга қанча кўп интилсак, халқнинг давлат идораларига, партия ташкилотларига бўлган ишончи янада ортиши шубҳасиз. Бунинг учун барча бирдек ҳаракат қилмоғи, ўз вазифасини сидқидилдан, вақтида бажармоғи лозим.

**Анвар ИБРАГИМОВ, ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши ижрочи котиби, Нурбек ЙЎЛДОШЕВ, “Milliy tiklanish” мухбири**

Муаммо ечим топди...

***Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар бир асосга таянади: халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши лозим. Бундан кўзланган мақсад эса ягона — одамлар ислоҳотлар самарасини бугун реал ҳаётида сезиши керак, халқимиз ҳаётидан рози бўлиши зарур.***

# МУРОЖААТЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Айни шу мақсадда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ва унинг жойлардаги ташкилотларида фуқаролар мурожаатлари билан ишлашнинг турли усулларидан самарали фойдаланилмоқда — “Депутат билан юзма-юз”, “Уйма-уй” лойиҳалари ва сайёр қабуллар воситасида аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш ҳамда мурожаатларни ижтимоий тармоқлар орқали қабул қилиш тизимли тарзда ташкил этилган. Ҳар бир партия ташкилотида фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш секторлари фаолияти йўлга қўйилган.

Партия Тошкент шаҳар ва туман кенгашларида ўтган икки ой мобайнида жами 116 мурожаат рўйхатга олинган. Уларнинг аксарияти соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, уй-жой, коммунал соҳа ва бандлик масалаларига оид. Мурожаатларнинг 49 таси ижобий ҳал этилган, 45 таси бўйича тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари жўнатилди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда мактабгача таълим тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Бу борада қатор



қарорлар, Давлат дастурлари қабул қилинган бўлиб, уларда эртамиз эгалари бўлмиш болаларнинг таълим-тарбия олишига алоҳида эътибор қаратилган. ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари ҳам партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, бу жараёнга ўз ҳиссасини қўшишга интилмоқда. Бунга Тошкент шаҳар Бектемир тумани “Бинокор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 584-мактабгача таълим муассасаси раҳбариятидан партия туман кенгашига келиб тушган мурожаат ёрқин мисол бўла олади. Мурожаатга кўра, 175 болага мўлжалланган масканда бугун 120 ўғил-қиз тарбияланмоқда. Муассаса гарчи 2016-2017 йилларда реконструкция қилиш бўйича дастурга киритилган бўлса-да, лекин бу ерда шу кунга қадар таъмирлаш ишлари амалга оширилмаган. Иккита гуруҳ жой олган бино таъмирталаб бўлгани учун ишламаяпти. Ўрганишлар натижасида ушбу масала юзасидан халқ депутатлари Бектемир туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Феруза Жалилова мутасадди ташкилотга депутатлик сўрови юборди ва унинг ижроси назоратга олинди.

Жойларда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ёки жамоат ишларига жалб қилиш бўйича изчил ҳаракатлар олиб борилмоқда. Фуқаро Зафар Йўлдошев Миробод тумани “Заминобод” маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди, ишсиз. У ишга жойлашишда ёрдам сўраб партия туман кенгашига мурожаат қилди. Мазкур мурожаатни ўрганиб чиққан депутатлар фуқарога Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Тошкент шаҳридаги “Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш маркази”да бепул ўқиши учун кўмаклашди. Ўқиш тугагач, унга марказ томонидан ишга жойлашиш учун йўлланма берилади.

Олмазор тумани А.Набиев кўчаси 15-уйда яшовчи Мирсиддиқ Усмоновдан ЎзМТДП туман кенгашига мурожаат келиб тушди. Унда билдирилишича, фуқаронинг ўғли Миролим имконияти чекланганлиги сабабли ўқитувчилардан уй шароитида сабоқ олади. У фарзандининг бемалол дарс қилишига шароит яратиб беришларини сўраган. Халқ депутатлари Олмазор туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Замира Азимбоеванинг саъй-ҳаракати билан Миролимга парта, стул ва доскадан иборат ўқув анжомлари совға қилинди.

Яшнобод тумани Уйсозлар маҳалласи Оҳангарон кўчаси 6-уй 20-хонадонда яшовчи Оқила Абдуллаева якка тартибда ҳунармандчилик билан шуғулланади. У энди Республика “Ҳунарманд” уюшмасига аъзо бўлиш ниятида. Аммо бу бўйича қаерга мурожаат қилишни билмагани боис депутатлардан ёрдам сўраган. Ушбу мурожаат бўйича халқ депутатлари Яшнобод туман Кенгашига Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан сайланган депутат Акмал Рўзитоев фуқаронинг хонадонига бориб, уюшмага аъзо бўлишда амалий ёрдам кўрсатди.

Кейинги йилларда оилавий ажримлар сони ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу ҳолат албатта ҳар бир ҳудуднинг демографик, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. Ажримларнинг олдини олиш, маҳаллаларда яраштирув комиссиялари фаолиятини янада кенгайтириш, шу билан бирга, ёшлар онгига оила муқаддаслигини, уни асраб-авайлаш кераклигини сингдириш лозим. Пойтахтнинг Олмазор тумани “Зиё” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар маҳаллада оилавий ажримлар сони кўпайиб бораётгани ва бу борада аҳоли ҳамда ёшлар билан мулоқотлар ташкил этилишига амалий ёрдам беришларини сўраб партия туман кенгашига мурожаат қилган. Натижа узоқ куттирмади. Партия туман кенгаши ташаббуси билан маҳалла йиғинида Ўзбекистон Миллий университети ва нодавлат ташкилотлардан олимлар ҳамда экспертлар таклиф этилиб, оилавий ажримлар келиб чиқишининг олдини олишга қаратилган маърузалар ташкил этилди.

Шиддат билан ўзгариб, ривожланиб бораётган ҳозирги даврда фуқаролар оғирини енгил қилиш, улар билан доимий мулоқот қилиш мақсадида ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлар томонидан ижтимоий тармоқлар орқали ҳам мурожаатлар қабул қилинмоқда. “Facebook”, “Телеграмм” тармоқлари орқали жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш, биринчи навбатда, тезкор ва қулай бўлса, иккинчидан, мулоқотнинг бу тури бошқаларига нисбатан очиқ ва энг муҳими инновацион нуқтаи-назардан замонавийдир.

Ўтган ойда пойтахтнинг Учтепа тумани Ҳайратий маҳалласи Ҳайратий кўчаси 18-уйда истиқомат қилувчи Элёр Набиев партия Тошкент шаҳар кенгашининг ижтимоий тармоқдаги манзилига фарзандининг туғма ногиронлиги ва у доимий тиббий кўрикка муҳтож эканлигини билдириб мурожаат қилганди. Депутатлар мурожаатни ўрганиб чиқиб, бу бўйича Учтепа туман тиббиёт бирлашмасига депутатлик сўрови жўнатди. Натижада Элёр Набиевнинг фарзанди ҳар ҳафтада тиббий кўрикдан ўтказиб турилади ган бўлди.

Миробод туманидаги “Заминобод” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Сирожиддин Абдуллаевдан ижтимоий тармоқлар орқали келиб тушган мурожаатда фуқаро инглиз тилини мукаммал ўрганиш истаги борлигини, аммо ўқув курсларида таҳсил олиш учун маблағи йўқлигини билдирди. Халқ депутатлари Миробод туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Баҳром Шарипов мазкур мурожаатни ўрганиб чиққач, Сирожиддин “Темирйўлчилар” маҳалла фуқаролар йиғинида ЎзМТДП ташкил этган “Хизмат — беминнат” лойиҳаси доирасидаги бепул ўқув курсига хорижий тил ўрганиш учун йўналтирилди.

Халқ манфаатларини ҳимоя қилиш — энг олий саодат. Ҳазрат Алишер Навоий айтганидек, бир кишининг кўнглини олиш, дилига қувонч бахш этиш Каъбани обод қилишдек мукаррам ишдир. Партия ташкилотлари ва депутатлар бугун жойларда аҳоли билан юзма-юз мулоқот ва уларнинг мурожаатларига ана шундай эзгу ақидага амал қилган ҳолда ёндашмоқдалар.

**Нурбек ЙЎЛДОШЕВ, “Milliy tiklanish” мухбири**

**Туризм — истиқболли соҳа**

# ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҲИССА ҚЎШИШ — АСОСИЙ ВАЗИФА

## ЎзМТДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ САЙЁҲЛИК СОҲАСИДА МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК ҚИЛМОҚДА



**< Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Унда вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантириш, ҳудудий дастур ижроси юзасидан ўрганишларни ташкил этиш, ўрганиш натижалари юзасидан таҳлилий маълумотлар тайёрлаш ва ижро ҳокимияти идораларига тегишли сўровномалар юбориш каби вазифалар белгиланган.

Белгиланган вазифаларни ижро этиш мақсадида шу йилнинг март ойида ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши ва партия гуруҳи ташаббуси билан Туризмни ривожлантириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи Тошкент вилоят кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри, архитектура ва қурилиш, иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш ҳамда Марказий банк бошқармалари, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси ҳамда Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги мутасаддиларининг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтириш, ички туризмни ривожлантириш, туризм хизматларини яхшилаш ва турларини кенгайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларга ҳам эътибор қаратилди.

— Бугун вилоятда жами 1 минг 52 сайёҳлик объекти мавжуд бўлиб, шундан 721 таси тарихий маданий мерос объекти, монументал ёдгорликлар, 43 меҳмонхона, 70 дан ортиқ санаторий, сиҳатгоҳ ҳамда 218 бошқа йўналишдаги туристик манзил ва иншоотлар мавжуд, — дейди Тошкент вилоят ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Сайфиддин Низомов. — Вилоятда 11 субъект (шундан 3 таси жорий йилда ташкил қилинган) туризм соҳасида хизмат кўрсатиб келмоқда. Тошкент вилояти Туризмни ривожлантириш департаменти туристларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида 16 йўналишда тур маршрут ишлаб чиқди. Айни пайтда вилоятда меҳмон уйларини ташкил қилиш ва уларни хатловдан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Хатлов натижаларига кўра, Бўстонлиқ, Паркент ва Оҳангарон-Ангрен туристик кластерларида 162 меҳмон уйларини ташкил қилиш ва рўйхатини шакллантириш режалаштирилган. Келажакда Бўстонлиқ туманида 57, Паркент туманида 59, Оҳангарон туманида 32, Ангрен шаҳрида 14 меҳмон уйлари ташкил қилинади. Бугун ушбу меҳмон уйларининг 70 таси сайёҳларга хизмат кўрсатиш учун тайёр ҳолга келтирилди, 43 тасида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда ва 49 таси жорий йил якунига қадар фойдаланишга топширилади. "Микрокредит банк" вилоят амалиёт бошқармаси томонидан 55 меҳмон уйлари учун 972,5 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Бугун қай бир соҳани олманг, унинг фаолиятини амалга оширишда ахборот хизмати муҳим ўрин тутади. Шу боис айни пайтда вилоятда савдо, умумий овқатланиш, маиший, тиббий хизмат кўрсатиш мажмуаси таркибида сайёҳларга такси чақириш, авиа ва темир йўл чипталарига олдиндан буюртма беришга кўмаклашиш ҳамда туристик иншоотлар ҳақида маълумот беришга йўналтирилган 4 та Туризм ахборот маркази ташкил этилмоқда. Улар шу йилнинг сентябрь ойида Бўстонлиқ, Паркент, Ангрен-Оҳангарон туристик кластерлари ва Нурафшон шаҳрида фаолият бошлайди.

Тошкент вилоятида 2018-2019 йилларда туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш, мавжудларини қайта таъмирлаш бўйича ҳудудий дастурга мувофиқ, меҳмонхоналар қуриш ва таъмирлаш бўйича қиймати 598,5 миллиард сўмлик 8 лойиҳа, ёшларга мўлжалланган хостеллар барпо этиш бўйича 158,2 миллиард сўмлик 3 лойиҳа, мавзули паркларни барпо этиш бўйича 39,3 миллиард сўмлик 3 лойиҳа, санаторийлар ва аҳоли дам олиш масканларини барпо этиш бўйича 138 миллиард сўмлик 12 лойиҳа, ҳаво шарлари ва аэростатларни сотиб олиш бўйича 1,5 миллиард сўмлик битта лойиҳа амалга оширилиши назарда тутилган.

Айни кунда Дастур доирасида мазкур лойиҳаларни амалга ошириш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди. Хусусан, Паркент тумани Номданак қишлоғида "Ҳамкор" масъулияти чекланган жамиятининг хорижий ва маҳаллий туристлар учун умумий қиймати 200 минг долларлик маҳаллий винолардан дегустация қилиш маркази ишга туширилди. Бўстонлиқ туманидаги "Нанай Парадайс" масъулияти чекланган жамиятига экопарк ва тоғ-экстремал туризмини ташкил қилиш лойиҳаси учун 60 гектар ер ажратилди, "Archazor Chimgan" масъулияти чекланган жамияти меҳмонхона, "Ёшлар спорт маркази" масъулияти чекланган жамияти 50 ўринли "life books", "Евро Азия Индустрия" масъулияти чекланган жамияти 120 ўринли оилавий дам олиш масканини ташкил қилмоқда.

Паркент туманидаги "Вектор Инновация Маркази" масъулияти чекланган жамияти 2 гектар майдонда экобоғ, "Кумушкон Тараққиёт Инвест" масъулияти чекланган жамияти 100 ўринли меҳмонхона барпо этиш лойиҳаларини якунлаш арафасида турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан юқори туристик салоҳиятга эга туманлар учун 20 гектардан ер ажратиш, Бўстонлиқ, Паркент ва Оҳангарон туманларида ўтказилган хатлов натижасида туризм соҳасидаги лойиҳалар (меҳмонхона, меҳмонхона уйлари, кемпинг, мотел ва тематик хиёбонлар, музейлар, галереялар ва бошқа иншоотлар қуриш) ни амалга ошириш мақсадида тадбиркорлик субъектлари ҳамда потенциал инвесторларга тақдим этиш учун 9 ҳудудда 241 гектар ер майдони танлаб олинди. Ўтказилган хатлов натижалари бўйича маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига кўриб чиқиш учун киритилди. Вилоят ҳокимлиги ташкил этган ишчи гуруҳ шаҳар ва туманлардаги йўл бўйи ва туристик объектлардаги санитар-гигиеник ҳолатини тўлиқ хатловдан ўтказди.

Президентимизнинг 2017 йил 5 декабрдаги "Чорвоқ" эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, шунингдек, Тошкент вилоятининг туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, замонавий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали аҳолининг дам олиши ва саёҳат учун шароитларни яхшилаш, туризм хизматлари соҳасида янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлиги ҳамда фаровонлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 15 майда "Чорвоқ" эркин туристик зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди. Мазкур қарорга асосан "Чорвоқ" эркин туристик зонаси дирекцияси" давлат унитар корхонаси ташкил этилди. 94 минг 805,32 гектар майдонда Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси доирасида яхлит ҳудуд белгиланиб, уни ривожлантириш концепцияси, тадбирлар режаси ҳамда ҳудудда йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури тасдиқланди.

ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши ҳудуддаги барча маданий мерос объектларининг бугунги ҳолатини ўрганди. Ўрганишлар жараёнида Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари бўйича минтақалараро давлат инспекцияси рўйхатга олган вилоятдаги жами 770 маданий мерос объектининг 323 таси аниқланмади. Аксинча улар рўйҳатига 33 янги маданий мерос объекти киритилди. Аниқланган 447 маданий мерос объектининг аксарияти қаровсиз ҳолда бўлиб, кадастр ҳужжати мавжуд эмас. Бор-йўғи 17 маданий мерос объектининг кадастр ҳужжатлари тасдиқланган. Мазкур муаммоларни бартараф қилиш учун партия вилоят кенгаши ва вилоят ҳокимлиги биргаликда амалий ишлар олиб бормоқда.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида вилоят чегара ўтказиш пунктларида туристлар учун яратилган шароитлар ҳамда чегара олди ҳудудлардаги туризм салоҳияти, яъни меҳмон уйларидан фойдаланиш имкониятлари ўрганилиб, туристик компания, манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда тадқиқот ишлари, амалий тадбирлар ташкил этилмоқда. Партия вилоят кенгаши шу йилнинг сентябрь ойида "Онлайн гид" танлови лойиҳасини амалга оширади. Партия сайтида гидлар ўртасида ёшлар фаолиятига бағишланган онлайн танлов эълон қилинади.

Лойиҳага мувофиқ гидлардан фотолавҳалар қабул қилинади ва улар "Ёшлар қаноти"нинг ижтимоий тармоқлардаги партия саҳифаларида мунтазам бериб борилади. Ўз навбатида, аҳоли уларни баҳолаш имкониятига эга бўлади. Йиғилган фотолавҳалар йил якунида сарҳисоб қилинади, танлов ғолиблари партия вилоят кенгаши ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бошқармаси томонидан тақдирланади. Ушбу танлов воситасида ҳам вилоятда туризмни ривожлантириш мақсад қилинган.

ЎзМТДП фаоллари мамлакатимизда гиламчилик соҳасини ривожлантириш, келажак авлод ҳамда хорижлик сайёҳларга уларнинг намуналарини намойиш қилиш, пировардида Гиламчилик музейини ташкил этиш таклифи билан чиқмоқда. Ушбу жараёнда вилоят партия ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. Улар ҳудудлардаги музейлар ҳамда аҳоли хонадонида сақланаётган қадимий нодир гиламлар тарихини ўрганиб, маълумотлар тўпламоқда. Бу, ўз навбатида, юртимиз ҳунармандлари меҳнати маҳсули бўлган гиламчилик санъатини дунёга танитишда, соҳа ривожида муҳим омил сифатида хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши вилоятда туризмнинг барча турини кенг ривожлантириш, тарихий масканларни реконструкция қилиш ва ҳужжатлаштириш, ҳудуднинг бой сайёҳлик имкониятларидан самарали фойдаланишда ҳисса қўшишга интилмоқда.

**Маҳмуд НАЗАРОВ,**
**ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси**

**Депутатлар — ижтимоий тармоқларда**

***Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йили 12 июлда парламент палаталари, сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида парламент ва сиёсий партиялар ҳамда депутат ва сенаторларнинг фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, долзарб вазифаларни белгилаб берган эди. Ушбу тарихий учрашувдан роппа-роса бир йил ўтиб, фаолиятга назар ташласак, Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар фаолиятида туб ўзгариш ва янгиланишлар бўлаётганини кузатиш мумкин: қонун ижодкорлиги, парламент назорати, халқ манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш борасида муайян натижаларга эришилди.***


# СЎЗ ВА ИШ БИР БЎЛГАНДА...

## ЁХУД ЎзМТДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ВИРТУАЛ ОЛАМДАГИ МУЛОҚОТ МАЙДОНИДАН ҚАЙ ДАРАЖАДА ФОЙДАЛАНМОҚДА?

Президентимиз ўз маърузасида **"Депутат ва сенаторлар ўз фаолияти ҳақида сайловчиларни хабардор этиб бориш учун интернетда, ижтимоий тармоқларда ўз саҳифаларини очиб, зарур маълумотларни уларга киритиб боришлари лозим. Дунёдаги кўпгина мамлакатлар аллақачон шу тизимга ўтган"**, дея таъкидлаган эди. Ўтган муддат давомида халқ вакиллари ушбу йўналишда ҳам фаол ҳаракат қилишга киришди. Сенатор ва барча даражадаги депутатлар ижтимоий тармоқларда ўз саҳифаларини очиб, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, қонунчилик ташаббуслари, янгиланиш ва ўзгаришлар, ижтимоий аҳамиятга молик мавзу ва масалаларга ўз таклиф, фикр-мулоҳаза ва муносабатини билдириб борди. Жойлардаги учрашув, фуқаролар билан юзма-юз мулоқотларда ҳал этилаётган масалалар хусусида маълумотлар жойлаштириб, аҳолини ўз фаолиятидан бохабар эта бошлади.

Бу жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этишга интилмоқда.

Ўзбек адабий тили жонкуярларидан бири, ЎзМТДП фракцияси аъзоси **Азамат Зиё** *Facebook* ижтимоий тармоғидаги саҳифасида ҳар бир соҳа ва йўналишдаги изчил ислоҳотлар, эришилаётган ютуқларга нисбатан муносабат билдириш билан бирга, она тилимиз софлигини асраб-авайлаш, "Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига амал қилиш масаласига оид фикр-мулоҳазаларини мунтазам билдириб боради. Ана шундай муҳокамаларнинг биридан намуна келтирамиз:





*"...Топшириқ кутиб яшаш, айниқса, бугунги кунда бизга ярашмайди. Ярашмайдигина эмас, ҳалокатлидир. Жумладан, тил масаласида ҳам. Қолаверса, топшириқлар бор. Биринчиси, "Давлат тили ҳақида"ги қонун. Ҳеч қачон ҳуқуқий давлатда яшамаганимиз учун қонун топшириқ, мажбурлов эканлигини кўпчилигимиз тушунмаймиз. Бизга, албатта, қонун ижроси (?) бўйича қарор керак. Ҳолбуки, бунисининг бажарилишини ҳамма пайт ҳам қойиллатиб қўёлмаймиз. Иккинчидан, миллий етакчимиз тараққиётимизнинг янги сифат босқичи мафкурасини белгилаб берар экан, ҳар бир давлат хизматчиси ўз аравасини ўзи тортиши лозим, деганининг ўзи топшириқ эмасми? Тушунган одам учун бу бутун жамиятимиз ва ҳар биримиз учун топшириқдир! Учинчидан, чет юртлардаги элчиларимиз билан учрашувда она тили ва адабиётини чуқур эгаллаш борасида айтганлари, электрон воситалар ҳукмронлиги кучайиб бораётган паллада китобхонлик маданиятини тарбиялаш сиёсати топшириқ эмасми? Яна нима керак бизга? Тил қонунчилигини бузгани учун қамаш керакми? Шуни кутаяпмизми? Бунчалар қама-қамаларни яхши кўрмасак? Шу билан иш битмаслигини узоқ, ўрта, яқин ўтмишимиз исботлаб қўйиб бўлди-ку, ахир! Президентимизнинг дунёқарашини ўзгартириш борасидаги даъватларининг мағзини тушуниш шу даражада қийинми? Нега кечаги қафас ва занжирни қўмсайверамиз? Бирдан, осмондан тушгандек эркинлик муҳитидан бошимиз айланиб кетган бўлиши мумкин ва табиий. Бироқ эркинлик бурч ва мажбуриятларни таёқ остида эмас, ақлирасолик билан англаш эканлиги, бошқаларнинг ҳам эркига дахл этмаган ҳолда ҳар ким ўз аравасини қонун чизиб берган йўлдан тортиши кераклигини қанча тез тушунсак, шунча яхши бўлади. Ўзимизга яхши бўлади. Бунинг учун, яна қайтарамиз, ҳар биримиз ўз иш жойимизда вазифаларимизни виждонан ва билим асосида бажаришга ҳаракат қилайлик. Тил масаласида ҳам шундай. Шундагина фуқаролик жамияти бўламиз!"*.

Депутат Азамат Зиё ижтимоий тармоқдаги яна бир фикр-мулоҳазасида фуқароларни она тилимизни асраб-авайлашни ўзимиздан бошлаш лозимлигига даъват этади:

*"...Азиз миллатдошим, қонун ҳеч қачон амал қилмайди! Қонун бу бир қоғоз! У қачон ишлайди? Одамлар унга амал қилсалар! Фожиамиз ҳам шунда! Бизга қолса, Президент, ҳукумат, вазир, ҳоким, прокурор, оқсоқол бир нима қилиб беришлари керак. Тўғри, давлат ва унинг хизматчилари халқ учун, аммо шу халқ, яъни Сиз ва биз ҳам озгина бўлса-да қимирлашимиз лозим эмасми? Шунча йил ўтирган ва кўнглимиздагидек жилмаган аравамиздан тушиб, уни тортишиб юборишимиз керакми ё йўқми? Биз Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган телефон, телевизор, компьютер ва шунга ўхшашлар ўзбек кирилл ва лотин алифболари дастури билан таъминланган бўлиши лозимлигига эришайлик. Ўзимиздан бошлайлик, ўзимиз ибрат бўлайлик. Шунисини эпласак, бошқалари ўз-ўзидан юришиб кетади. Биласизми нега? Дунёқарашимиз ўзгарган бўлади, дунёқарашимиз ўзгардими, ишларимиз ҳам, натижалари ҳам ўзгаради! Ҳаётимиз ўзгаради!.."*.

Ижтимоий тармоқларда фаол бўлган яна бир депутатимиз **Мухтабар Ҳусанова** *Facebook*даги саҳифасида аҳоли билан юзма-юз мулоқотлари, кўтарилган муаммолар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ масалалар хусусида мунтазам маълумотлар жойлаштириб боради. Масалан, Юнусобод туманидаги ўрганишлари давомида ҳудуддаги кўп қаватли уйларнинг қурилишидаги носозликлар туфайли 15-мавзедаги 26-, 75-уйлар, 16-мавзе 18-уйининг том қисмида ёриқлар пайдо бўлиб, зилзила оқибатида кенгайиб бораётганини, бу аҳолига жиддий хавф туғдираётганини ёзади. Йиллар давомида фуқароларнинг ушбу масаладаги мурожаатлари беъэтибор қолдирилаётганини, ишчи гуруҳ мазкур масалани назоратга олганини билдирган.

Депутатнинг ижтимоий тармоқдаги сўнгги қайдларидан бири — "Аёллари эъзозланган юртдагина ватанпарвар фарзандлар вояга етади" сарлавҳали мулоҳазалари Каттақўрғонда ички ишлар ходим(лар)и содир этган ноқонуний ва ноинсоний ҳолатларга ўз вақтида билдирилган муносабатдир.





*"...Сўнгги икки йил мобайнида кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида хотин-қизлар, оила, баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига эътибор мутлақо янги босқичга кўтарилган, ҳаётда амалий натижаларини кўриб кўзимиз қувнаётган бир пайтда, шунча ислоҳотларга лой чаплагандек, ҳуқуқ ҳимоячиларимиз, дея ишонганларимиздан бирининг ўз Ватанимизда аёллар шаънини булғаб туриши давлат идораларига ишончсизликка олиб келади! Орият ва шаънни англамай туриб бу вазифада ишлаб ёки ҳуқуқни ҳимоя қилиб бўлмайди!!!*

*Аёлнинг иффати — жамиятнинг юзи! Турли сабаб билан турмуш ташвиши юкланиб қолган аёлнинг бундай ШОК ҳолга тушиб, тушунмай, фарзандлари ғамида, онгсизларча топшириқни бажаргани ҳали аёлларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш, ҳуқуқий билимларини оширишда оқсоқланаётганимиздан далолат беради. Амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида, биринчидан, хотин-қизлар ҳуқуқларига тўқнаш келадиган норма ижодкорлигида республика Хотин-қизлар қўмитасининг хулосаси инобатга олиниши, иккинчидан, давлат органларининг аёлларимиз ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳар қандай муносабатларида хотин-қизлар қўмиталари вакилларининг, иштирокини таъминлашга оид нормани киритиш лозим, деб ҳисоблайман.*

*Зеро, аёлларимизнинг кайфияти оила — жамият — мамлакат муҳитига таъсир кўрсатади!"*.

Вакилимизнинг ҳам депутат, ҳам аёл сифатида юртимиз хотин-қизларининг шаъни, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган фикр-мулоҳаза ва таклифлари эътиборга молик. Шунингдек, депутат ўзи сайланган сайлов округидаги маҳаллий Кенгаш фаолияти, амалга оширилаётган ишлар, сессияларга киритилаётган масала ва муҳокамалар борасида ҳам мунтазам маълумотлар бериб, аҳолини хабардор қилиб боради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати **Элдор Туляков**нинг *Facebook*даги саҳифасида янги таҳрирдаги "Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги қонун бўйича қолдирган фикр-мулоҳазалари ҳам кўпчилик Интернет фойдаланувчиларининг эътиборига тушди.




*"Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида янги таҳрирдаги "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги қонунни кўриб чиқиш жараёнида йирик тадбиркорлик субъектларини Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига мажбурий аъзолик қилиш масаласи депутатларнинг энг кўп муҳокамасига сабаб бўлди.*

*Хўш, унинг шу тахлитда қабул қилинишига сабаб нима? Нега айнан йирик тадбиркорлик субъектларининг палатага аъзолик кўрсаткичлари шу пайтгача паст бўлиб келган? Эндиликда бу ҳолат қандай бўлади? Йирик тадбиркорлик субъектларининг талаби қай даражада қондирилади?*

*Таъкидлаш лозимки, йирик тадбиркорлик субъектларида ҳар доим малакали кадрлар фаолият юритиб келган. Бунинг, албатта, бир нечта сабаби бор. Ойлик маош юқорилиги, қўшимча тақдирлаш, бонуслар, ижтимоий таъминот, мансабга кўтарилиш кабилар шулар жумласидандир. Бу эса йирик тадбиркорлик субъектларига ҳозирги вақтгача ўз муаммоларини ўзлари ҳал қилиш имконини берган, шу жумладан, суд орқали ҳам. Консультатив хизматларга эҳтиёжлар ҳам айнан ўзларининг малакали кадрлари орқали қондирилган.*

*Эндиликда йирик тадбиркорлик субъектлари мажбурий равишда аъзолик бадалини тўлар экан, уларнинг малакали кадрлари Ўзбекистон Савдо-саноат палатасидан шунга лойиқ даражада хизмат кўрсатишни қонуний равишда талаб қила бошлайдилар. Сабаби, улар бадални ўз вақтида тўлаб борадилар. Агар қонун кучга кириши билан Савдо-саноат палатаси бундай хизматларни лозим даражада кўрсата олмаса, оқибатда ранжиган тадбиркорлардан унга қарши судда даъво аризалар сонининг ортиши кузатилиши мумкин.*

*Палата кўрсатадиган барча хизмат сифатини кескин даражада оширса, йирик тадбиркорлик субъектлари талабини қондирадиган даражага етказса, улар палатага ўз хоҳиш-истаклари билан аъзо бўлади ҳамда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланади.*

*Бир сўз билан айтганда, бу саъй-ҳаракатлар мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилашга ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга хизмат қилади".*

Қонун ижодкорлиги жараёни, унинг мазмун-моҳияти билан кенг жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Депутатнинг ушбу саъй-ҳаракати айни шу маънода ниҳоятда аҳамиятлидир.

Депутатлар **Акмал Умрзоқов, Козим Тожиев, Нодир Мухторов, Азамат Пардаев, Шуҳрат Тўхтабоев** ва бошқалар ҳудудларда сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш ва мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш борасидаги ўрганишлари, аҳоли билан мулоқотлари, жойлардаги муаммоларни бартараф этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини ўз саҳифаларида мунтазам бериб бормоқда. Хусусан, фракция аъзоси **Акмал Раҳмонов** ҳам фаоллик билан мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, Президент фармон ва қарорлари, маърузалари ҳамда давлат ташрифлари, шунингдек, ҳарбий соҳадаги янгиланиш, қонун ижодкорлиги борасидаги жараёнларга ўз муносабатини мунтазам билдириб боришни канда қилмайди.


Хулоса қилиб айтганда, ўтган бир йил давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатларимиз Интернет — жаҳон ахборот тармоғидан самарали фойдаланган ҳолда, аввало, ўз фаолиятлари ҳақида, қолаверса, қонун ижодкорлиги, амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти борасида аҳолини янада кенгроқ хабардор қилишга интилмоқда. Депутатларимизнинг ижтимоий аҳамиятга молик масалалар юзасидан илгари сураётган фикр ва таклифлари, қонунчилик борасидаги маълумотлари жамоатчилик фикрини уйғотиш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларини юксалтиришга хизмат қилади. Шундай экан, парламент ва маҳаллий Кенгашлардаги вакилларимиз бундан кейинги фаолиятида ҳам Интернет майдонларида янада фаол бўлиши, бу орқали аҳоли билан парламент ва вакиллик органлари ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўташи лозим.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

**Таклиф ва мулоҳаза**

***Гиламдўзлик — қадимий ҳунар бўлиб, Шарқда кенг ёйилган. Шу боис асрлар оша унинг бир неча тур ва мактаби шаклланган. Улар орасида Самарқанд гиламларининг ўз тарихи ва ўрни бор.***

# ГИЛАМЛАР — ИНСОН ҚЎЛИ БИЛАН ЯРАТИЛГАН ЧИНАКАМ МЎЪЖИЗА



"Milliy tiklanish" газетасида Муҳтарама Комилованинг "Миллий гиламдўзлик: қадимий, бой ва ранг-баранг" ҳамда Азамат Сафарнинг "Гиламдўзлик — суяк сурган кўҳна касб" сарлавҳали мақолаларида мавжуд миллий гиламдўзлик намуналарини бир жойда тўплаш, алоҳида музей ташкил этиш борасидаги таклифи кўпчиликнинг дилидаги гап бўлиб, долзарблиги билан эътиборга молик.

Дарҳақиқат, миллий гиламдўзлик қадимий ҳунарлардан бири саналиб, ўз тарихи, мактаб ва анъаналарига эга. Кенг жамоатчилик агар ҳудудлардаги музейларимизда сақланаётган гиламдўзлик намуналари бир жойга тўпланса, алоҳида гилам музейи ташкил этилса — бу ерда маҳорат дарсларини ўтказиш, гилам тайёрлаш жараёнларини намойиш этиш учун шароит яратилса, мамлакатимизда сайёҳлик салоҳияти ошишига хизмат қилади, деган фикр-мулоҳазаларни билдирмоқда.

Самарқандда гиламдўзлик тарихи милоддан аввалги I минг йилликка бориб тақалади. Ўша даврларда гилам, шолчалар тўқилиб, чет мамлакатларга сотилган. Гилам уй ичини безаш, хоналарни иссиқ сақлаш, сокинликни таъминлаш учун хизмат қилган. Бу ҳунар тури асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келяпти.

— Самарқандда гиламнинг патли ва патсиз, тиқма ва босма тури кенг ёйилган, — дейди Пайариқ туманидаги Қўлтўсин маҳалласида истиқомат қилувчи 92 ёшли Толлиой момо. — Бу касб билан ёшлигимдан шуғулланиб келаман. Келинларимни ҳам шу ҳунарга ўргатганман. Қишлоғимиз аёлларининг каштачилик, гилам тўқишга қизиқиши катта. Гилам тўқиш билан оилавий шуғулланиб, даромад олаётганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Машаққатли ушбу ҳунарни эгаллаш кишидан қунт, сабр-тоқат ва синчковлик талаб этади. Халқимиз сабрнинг таги олтин, деб бежиз айтмаган.

Маълумотларга қараганда, Ўрта Осиёда гиламдўзлик айниқса, XIV асрнинг иккинчи ярмида кенг ривожланган. Гилам тўқиш устахоналарида ҳам хорижий, ҳам маҳаллий усталар меҳнат қилган.

— Гиламдўзликнинг бир неча тури, йўналиш ва услуби бор, — дейди пайариқлик ҳунарманд Гулчеҳра Нуралиева. — Гиламлар асосан жун, ипак, каноп, пахта ва бошқа иплардан тўқилади. Тўқилишига қараб ҳам турларга ажратиш мумкин. Қишлоқларда тўқима, тикма ва босма турлари кенг тарқалган. Уларнинг ҳажми эса хоналарга мослаштириб тайёрлаш урф бўлган.

Юртимиз ҳунармандчилик маҳсулотлари жаҳон санъат шайдолари орасида ҳам катта шуҳрат қозонган. Хусусан, халқ амалий санъатининг мураккаб ва бетакрор тури — ипак гилам тўқишга ихтисослашган "Самарқанд-Бухоро ипак гилами" қўшма корхонасида табиий бўёқлар ва қўл меҳнати эвазига яралаётган нафис, сержило, тўлиқ табиий хомашёдан тайёрланган ипак гиламлар сайёҳлар эътиборини тортиб, ўз харидорларини топмоқда.

Яна бир жиҳатни алоҳида эътироф этиш лозимки, шу йилнинг 6 июнь куни Россия Этнография музейида "Ўзбекистон маданий мероси — халқлар ва мамлакатлар ўртасида мулоқотга йўл" Иккинчи халқаро конгресси доирасидаги илк тадбир — Ўзбекистон бадиий тўқимачилик маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда асрлар давомида миллий ҳунармандчиликнинг тўқимачилик, зардўзлик, гиламдўзлик сингари турлари тараққий этганини таъкидлаб, ушбу музейда сақланаётган дурдоналарнинг аҳамияти хусусида сўз юритдилар. Бу ҳам миллий ҳунармандчилигимизга хорижликларнинг юксак эътирофи десак янглишмаймиз. Ўзбекистон ва бошқа давлатлардан келган иштирокчилар музейга қўйилган миллий матолар, гиламлар, уй-рўзғор буюмларини ҳайрат, ҳавас ва ҳаяжон билан томоша қилдилар.

Шундай бўлгач, фикримизча, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу каби миллий қадриятларимизни янада сайқаллаштириш ва ёшларимизга ўргатиш мақсадида республика ва халқаро миқёсда кўрик-танлов, анжуманларни мунтазам ўтказиб бориш, айниқса, гиламчилик музейини ташкил этиш вақти етиб келди. Бунинг учун ҳар бир вилоятга хос гиламчилик намуналарини бир жойга тўплаш керак.

— Вилоятимизда хорижлик меҳмонлар эътиборини тортадиган кўплаб тарихий қадамжолар, ёдгорликлар ва музейлар мавжуд, — дейди халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутат Бахтиёр Эргашев. — Улар орасида Самарқанд гиламларининг ҳам ўз ўрни бор. Агар миллий гиламларимиз учун ягона музей ташкил этилса, бой тарихимиз ва урф-одатларимизни намоён этиш, халқ амалий санъатининг анъанавийлигини таъминлаш, тарғиб қилиш ва оммавийлаштириш билан бирга, туризм ривожига ҳам муайян ҳисса қўшилган бўлур эди.

Дарҳақиқат, халқ амалий санъати намуналари дунё сайёҳларининг диққат-эътиборини жалб этадиган асосий воситалардан бири саналади. Ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳам даромад манбаи, ҳам миллатнинг бой маданиятини кўз-кўз этишда қўл келади. Зеро, миллийлик акс этган гилам ва бошқа буюмлар юртимизда бўлган сайёҳларнинг ҳайратига сабаб бўлиши эса ҳар биримизга ифтихор бағишлайди.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

**Робита**

# АБАЙ — ҚОЗОҚ МУМТОЗ АДАБИЁТИНИНГ ЧЎҚҚИСИ

***Ўзбек ва қозоқ халқларининг азалдан тили, дили ва дини бир. Бир дарёдан сув ичиб, яқин дўстликда яшаб келаётган бу икки буюк халқни жипслаштирадиган омиллардан бири — руҳан яқин бўлган миллий адабиётларидир. Қозоғистонда Алишер Навоий ижодини жуда қадрлашади, улуғ қозоқ оқини Абай ўзбек халқи учун ўз шоиридек бўлиб қолган.***



Президентимизнинг шу йил 13 мартдаги "Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида"ги қарори ҳам асрлар оша яшаб келаётган ана шу улуғ ва эзгу ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошида яшаб ижод этган қозоқ халқининг буюк маърифатпарвар шоири Абай Қўнонбоев адабий мероси, илғор фалсафий фикрлари, буюк яратувчилик ғоялари Ватанга, инсонга, табиатга, ҳаётга бағишланган юксак қасида бўлиб, халқларимиз қалб тўридан мангуга жой олган. Абай — нафақат қозоқ халқининг, балки бутун инсониятнинг маънавий тараққиётига катта ҳисса қўшган, адабий тафаккурни нурлантирган, мавжуд ҳаётни санъаткорона бадиий акс эттирган улкан мутафаккир.

У шоир сифатида бутун инсониятга муҳаббат кўзи билан қаради. Унинг ўз халқига бўлган меҳр-муҳаббатини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Шоирни миллийлик қобиғидан чиқариб, уни умумбашарий шоирга айлантирган омил унинг ўз халқига бўлган чексиз муҳаббати, эл-юртининг тақдири билан боғлиқ курашчан доно фикрларидир. Зеро, ўз халқини чин севган кишигина бошқа халқларни сева олади, ўз қадрини ҳимоя қилишга қодир шахс инсон қадрини улуғлай олади.

У асарларида халқини, замондошларини адолатли жамиятнинг, бахтли турмушнинг асослари нимадалигини англаб етишга, содир бўлган воқеа-ҳодисаларнинг туб моҳиятини тушуниб олишга чақирди, одамларни тафаккур қилишга, ўзлигини англашга, миллат сифатида ўзини танишга йўналтирди. Ўз элининг тинч, осойишта ҳаёт кечиришини, илмли-билимли бўлишини, маданиятининг юксалишини орзу қилган улуғ шоир халқига теран ҳикматлар ва гўзал туйғулар билан тўлиб-тошган ажойиб шеърлар хазинасини мерос сифатида қолдирди. Бетакрор шеърларидаги қиёмига етган ҳаққоний фикрлар фақат қозоқ халқининг келажаги учун эмас, балки бутун инсониятнинг ҳаёти ва маънавий эҳтиёжи учун муносиб йўл-йўриқ, маълум бир йўналиш бўлди. Шу боисдан ҳам шоирнинг адабий мероси миллийлик чегарасидан чиқиб, жаҳон сўз санъатининг асл дурдоналарига, инсоният тафаккурининг хазинасига айланди.

Абай ижодий меросини 180 га яқин шеър, 3 та поэма, 60 дан ортиқ таржима ва унчалик катта бўлмаган проза ташкил этади.

Абай — улкан реалист. У ижоди орқали ўз даврининг барча қиррасини бутун қарама-қаршиликлари билан кўрсатиб берган. Даврнинг тарихий, ижтимоий-сиёсий масалаларини чуқур англаган ва ўз асарларида маҳорат билан акс эттира олган. Шоир ижодини ўз даврининг кўзгуси дейиш мумкин.

Унинг поэзияси ўзининг бадиий тафаккури, сўзларни бадиий ифодалаш ҳамда тасвирлаш усулининг янгилиги, ёзиш услубининг ўзгачалиги ва қулайлиги, поэзияда аввалдан шаклланган тайёр қолипларни такрорламаслиги билан ажралиб туради. У қозоқ поэзиясининг мазмун доирасини кенгайтирди, мавзу кўламини бойитди, адабиётга янги жанр турларини олиб кирди. Абай қозоқ оғзаки ижодининг илғор намуналаридан кенг фойдаланди. У қозоқ поэзиясига янги намуналар киритиш билан бирга, адабий тилини ҳам бойитди. Назмнинг янги шакл ва услубларини кашф этиб, уни юқори сифат даражасига кўтарди, тамойил ва имкониятларини кенгайтирди.

Абай поэзия билан бир қаторда прозада ҳам баракали ижод қилди. Унинг фалсафий, бадиий, ижтимоий, инсонпарварлик қарашлари яққол намоён бўлган асар — "Насиҳатлари" ("Қора сўзлари"), яъни фалсафий трактатлари, ҳикматларидир. У адибнинг анъанавий услубда ёзилган, сўз санъатидаги бадиий маҳорати, доно фалсафий дунёқарашини алоҳида намоён этган прозаик асардир. Бу асар ўша давр учун улкан янгилик бўлиб, қозоқ бадиий прозасининг вужудга келиши ва ривожланишига кенг йўл очди. Абай прозаси ҳозирги қозоқ бадиий прозасининг боши, дастлабки тажрибаси бўлди.

Шоир таржима билан ҳам шуғулланиб, 60 га яқин рус ҳамда Шарқ мумтоз шоир ва ёзувчиларининг бир қатор шоҳ асарларини ўз тилига ўгирди. Айниқса, Пушкин ва Лермонтовнинг асарларини зўр маҳорат билан таржима қилди ва шунинг асосида қозоқ ёзма адабиётини янгича ўй-фикрлаш услубини олиб кирди. Бу Абайнинг ўша давр қозоқ адабиёти учун буюк хизмати эди.

Абай қозоқ адабий ҳаётига янги юксалиш даврини олиб келган ижодкор сифатида эътироф этилиши бежиз эмас. У чин маънода шоир, достончи, ёзувчи, таржимон, бастакор, файласуф-олим ва маърифатчи сифатида қозоқ мумтоз адабиётининг отаси, қозоқ поэзиясининг асқар тоғи, замонавий мусиқа яратувчиси ва маърифатга йўл бошловчиси бўла олди.

Абай зулм, истибдод, жаҳолат, ҳақсизлик зарблари остида азоб ва уқубатдан боши чиқмаган бечора халқнинг дардига дармон, руҳига озиқ, танига қувват, дилига маърифат улашишни энг улуғ фазилати деб билди ва мана шу тамойилидан бир зум бўлса-да, оғишмай яшади.

Абай қозоқ адабий тилини бойитган сиймо сифатида ҳам қадрлидир. У ўз давридаги ёзув тилини тўғри йўлга солиб, уни халқ тили асосида юқори босқичга кўтара олган шоирдир. Айнан мана шу жиҳат уни қозоқ адабиётининг чўққисига кўтарди.

Бугун Абайнинг эзгуликка йўғрилган илғор ғоялари ҳаётийлиги тўлалигича тасдиқланди. Маърифатпарвар шоирнинг ўз халқи ва бутун инсоният манфаати йўлидаги орзу-умидлари ушалди.

Ҳозирги кунда Қозоғистонда бир неча шаҳар ва туман, бир қанча овул ва қўрғон, кўплаб кўчалар ҳамда истироҳат боғлари, театр ва кинотеатр, маданият уйлари ва Семей шаҳрида унинг адабий-мемориал музейлари ташриф буюрувчилар билан доимо гавжум. Шунингдек, Қозоғистоннинг барча вилояти, бир қатор шаҳар, туман, овул ва қўрғонларида Абайга кўплаб салобатли ҳайкал ва бюстлар ўрнатилган.

Буюк шоирнинг ҳаёти ва ижодий йўли у ҳақидаги махсус монографияларда тўлиқ баён этилган, "Абайшунослик" номли илмий-тадқиқотлар тўплами, "Абай тилининг луғати" илмий-тадқиқот асари чоп этилган. 120 муаллифнинг 1 минг 631 мақоласидан иборат "Абай" энциклопедияси 100 минг нусхада нашр этилган. Қозоғистонда мунтазам равишда "Абай" адабий-бадиий ойлик журнали чиқади. Республика мактаблари, ўқув юртларида ва кутубхоналарда "Абай хоналари", "Абай адабиёти" экспозициялари бор бўлиб, уларда доимий равишда "Абай ўқувлари" ўтказилиб турилади. Таниқли қозоқ ёзувчиси Мухтор Авезовнинг машҳур 4 томлик "Абай йўли" роман-эпопеяси ҳам буюк оқинга бағишланган.

Ҳа, адабиёт ҳамма даврда ҳам халқларни бир-бирига илоҳий ришталар билан боғлаш, ягона мақсад йўлида бирлаштириш ва эзгу амаллар йўлбошчиси бўлиб келган. Абай Қўнонбоев ижоди ҳам ўзбек ва қозоқ халқлари биродарлиги йўлида муҳим воситадир.


**Абдулла РУСТАМОВ,**
**Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

**Мутолаа**

# ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ

## ХАЛҚ ХИЗМАТЧИСИ БЎЛИШИ КЕРАК

***Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бугунги тезкор даврнинг энг муҳим вазифаси ва талабига айланди. Ички ишлар вазирлиги академияси бошлиғи, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбовнинг яқинда нашр этилган "Профилактика инспектори — халқ хизматчиси" китоби айни шу соҳа ходимларининг билими, касбий тайёргарлиги ва профессионал маҳоратини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.***



Китоб муаллифининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги узоқ йиллик тажрибаси ва соҳани ичдан билиши унинг ўқишлилигини таъминлаган. Унда мустақиллик йилларида тинчлигимиз ва барқарорлигимизни издан чиқаришга қаратилган уринишлар, террорчилик ва қўпорувчилик ҳаракатлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Шунингдек, унда она Ватан ҳимояси йўлида ҳаётдан бевақт кўз юмган юртдошларимиз, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини хотирлаш яхши анъанага айлангани, зеро, бугунги тинч-осойишта кунларда уларнинг улкан ҳиссаси борлиги алоҳида таъкидланади. Қўлланмада ички ишлар органлари тизимидаги кенг қўламли ислоҳотлар натижасида ҳуқуқбузарликлар, айниқса, унинг энг хавфли кўриниши бўлган жиноятчилик йилдан-йилга камайиб бораётгани аниқ рақамлар мисолида таҳлил этилган. Профилактика инспекторлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, уларнинг хизмат ўташини ташкил этиш, айниқса фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш ва халқ билан мулоқотини ташкил этиш масалалари атрофлича ёритилган.

Китобда соҳага доир муаммолар ва уларнинг ечими билан боғлиқ масалалар ҳам очиқ-ойдин кўрсатиб ўтилган. Дарҳақиқат, бугун профилактика инспекторларининг аксарияти ўз фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини ё билмайди, ёки улар ҳақида муайян тасаввурга эга эмас. Чунки тизимда фаолият олиб бораётган профилактика инспекторларининг 89 фоизи юридик маълумотга эга эмас, юридик маълумоти йўқлар махсус касбий тайёргарликдан ўтмаган ёки улар билан машғулотлар олиб бориш тизимли ва самарали ташкил этилмаган.

Бу аввало, профилактика инспекторларининг ҳуқуқий билими, онги ва маънавиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларни мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бугунги кун талабларига жавоб бермаётганлиги билан боғлиқ. Профилактика инспекторлари қонунлар ва улар ижроси бўйича қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини яхши билиши, уларни кенг жамоатчиликка, айниқса ёшларга ўз вақтида етказишни ташкил этишда фаол иштирок этиши, бугунги кун талаблари асосида яшаши ва фаолият олиб бориши ҳамда атрофдагилардан ҳам қонун асосида яшаш ва фаолият кўрсатишни талаб қилиши, пировардида халқ ишончини қозониши керак.

Муаллиф профилактика инспекторларининг фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни юридик кучи ва мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда шартли равишда гуруҳларга ажратади. Чунончи профилактика инспектори ўз зиммасига юклатилган вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажариши, хизмат фаолиятини самарали ташкил этиши, қонун билан белгиланган ваколат (мажбурият ва ҳуқуқ)ларни адолатли амалга ошириши, фаолиятини тартибга солувчи қонунларни билиши, уларга риоя этиши ҳамда ижросини таъминлаши зарур.

Муаллиф "бугунги профилактика инспектори қандай бўлиши керак?" деган саволга ўзининг бой амалий тажрибаси ва кузатишларидан келиб чиқиб жавоб излайди. Бугунги давр талабларидан келиб чиқиб соҳа ходимларининг иш самарадорлигини оширишга қаратилган зарур тавсия ва мулоҳазаларини келтириб ўтади.

Профилактика инспекторлари томонидан мурожаатлар билан ишлаш ва халқ билан мулоқот қилиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидандир. Қўлланмада ушбу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Муаллифнинг фикрича, адолат ва ҳалоллик каби олий инсоний фазилатлар ҳар бир профилактика инспектори хизмат фаолиятининг асосий мезони бўлиши лозим. У қабул қилган қасамёдини доимо ёдда тутиши ва унга содиқ бўлишни ҳеч қачон унутмаслиги керак. Ўз навбатида, профилактика инспекторлари томонидан фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиш, белгиланган давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида амалдаги қонун талабларини бажармаслик ёки бузиш муайян жавобгарликларни келтириб чиқаради.

Бир сўз билан айтганда, мазкур китоб замон талабларига мос, эл-юртимизнинг ишончи ва меҳрини қозонган, том маънодаги халқпарвар ички ишлар органлари профилактика инспекторларини тайёрлаш, уларнинг касбий маҳорати ва дунёқарашини шакллантиришда зарур қўлланма вазифасини ўташи билан аҳамиятлидир.

**Жамшид ХОЛОВ,**
**Ички ишлар вазирлиги академияси матбуот хизмати**

MILLIY TIKLANISH
28 (512) 2018 йил 18 июль, чоршанба

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

# “МАШИНАНИ НАРИРОҚ ОЛИНГ...”

## ЁХУД КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАР АҲОЛИСИ ШАХСИЙ АВТОМОБИЛЛАРИ УЧУН ТУРАР-ЖОЙ МАСАЛАСИГА ҚАЧОН ЕЧИМ ТОПИЛАДИ?

***Мамлакатимизда транспорт воситаларининг сони кундан кунга ортиб боряпти. Бу, аввало, юртимизда автомобилсозлик саноатининг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Шу боис шаҳар ва қишлоқларимиз йўлларида енгил автомашиналар ва автобуслар қатнови сезиларли даражада кўпайди. Мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилаётган алоҳида эътибор эса инсон ҳаётини асрашдек олижаноб мақсадларга хизмат қилмоқда — йўл ҳаракати соҳаси изчил такомиллашиб бораётир.***



Инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, ҳаётини асраш масаласига юртимизда доимо устувор аҳамият бериб келинаётган бир пайтда кундалик ҳаётимизда шундай ҳолатларга дуч келамизки, уларнинг олдини олиш, бартараф этиш ҳайдовчилар, пиёдалар айби билан содир бўладиган турли нохуш ҳолларни камайтириш — фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза этиш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки, атроф-муҳитни ҳимоя қилишдек мақсадга хизмат қилиши, шубҳасиз.

...Пойтахтимизнинг Юнусобод тумани 17-мавзесида истиқомат қиламан. Эрталаб ишга йўл олар эканман ёки уйга қайтар маҳал кўп қаватли уйларнинг пиёдалар учун мўлжалланган йўлагида қолдирилган енгил, баъзан оғир юк машиналари орасидан туртиниб-суртиниб ўтишга тўғри келади. Хуллас, ҳар куни бир хил манзара: пиёдалар ҳаракатланиши лозим бўлган йўлнинг ҳам чап, ҳам ўнг томони автомобиллар билан тиғиз — банд.

Тўғри, кўп қаватли уйлар орасида автомашиналар учун қурилган алоҳида автотураргоҳлар йўқ эмас, бор. Аммо разм солиб кузатсангиз, атиги 15-20 автомобиль сиғадиган жойлар баъзан лиқ тўла бўлса, айрим ҳолларда бўм-бўш туради. Ўзингиз ўйланг, битта кўп қаватли уйда нечта хонадон мавжудлиги ва уларнинг баъзиларида бир нечтадан автомобиль борлигини ҳисобга олсангиз 15-20 ёки айтайлик, 50 машина учун ажратилган бундай автотураргоҳлар мавжуд эҳтиёж ва талабга қанчалик мос келиши аёнлашади.

Юқорида таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимиз жаҳоннинг автомобиль ишлаб чиқарувчи саноқли давлатлари сафидан мустаҳкам ўрин олди. Янги ишлаб чиқарилаётган автоуловлар халқимиз эҳтиёжини қондирмоқда. 2016 йили мамлакатимизда 1 миллион 600 минг автомобиль рўйхатга олинган, шундан бир ярим миллиони шахсий транспорт воситаси. Демак, ҳар 20 кишига битта ёки ҳар уч оилага бир автомобиль тўғри келаётир. Бу кўрсаткич эса кун сайин ортиб бормоқда.

Шу йил 26 июль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида автомобиль саноатида жорий йил учун белгиланган ишлаб чиқариш ва экспорт кўрсаткичларини таъминлаш, тармоқнинг ривожланиш истиқболларини белгилаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда тармоқда маҳаллийлаштириш, аҳолига автомобилларни тез ва арзон етказиб бериш, ташқи бозорга экспорт қилиш замон талабларига умуман жавоб бермаслиги танқид қилинди ва мутасадди ташкилотларга ҳолатни яхшилаш бўйича қатор топшириқлар берилди. Демак, келгусида аҳолининг шахсий автомобиллари янада кўпайиши, шубҳасиз.

Бу, албатта, қувонарли ҳолат. Чунки шахсий автоуловнинг бўлгани яхши. Ҳам ўзингиз, қариндош-уруғ, қўни-қўшни, баъзан ишхонадагиларнинг ҳам оғирини енгил қиласиз. Бироқ уйга қайтганда, автоуловни қўярга жой тополмасангиз, ҳафсалангиз пир бўлиши табиий. Иложсизликдан машинангизни пиёдалар ҳаракатланишига мўлжалланган йўлак ёки йўл четида қолдириб, минг ҳадик билан уйингизга кирасиз. Худо кўрсатмасин, эрталаб уйғонганда бўёғи кўчган ёки табиий офат натижасида шикастланган машинангизни кўриб, қай аҳволга тушасиз ёки додингизни кимга айтасиз? Суғурта компанияси, дейсизми? Бундай компанияларни ўз вазифасини бажаришга ундаш учун камида уч ойдан кўп вақт ва яна машинангиз кўрган зиённи қоплашга етадиган маблағ сарфлашингизга тўғри келиши ҳеч кимга сир эмас. Бу эса алоҳида мавзу...

— Уйимизга энг яқин автотураргоҳ бир километрлик масофада жойлашган, — дейди юнусободлик Фарҳод Алимбеков. — Ҳар куни ишга бориш ва қайтар чоғи у ерга бориб-келишнинг ўзи бўлмайди, қолаверса, об-ҳаво ёмонлашган вақтлар, совуқ ва изғирин кунларда ташвиш бир неча марта ошади. Устига-устак автотураргоҳларда ҳар доим ҳам бўш жой топилавермаслигини ҳисобга олсангиз, бунинг машаққати янада ортади. Шунинг учун кўп ҳолларда автоуловни уйнинг ёнидаги йўлакда қолдиришни афзал биламан. Тўғри, бу қўни-қўшни ва пиёдалар учун ноқулайлик туғдиради. Лекин бошқа илож ҳам йўқ-да...

Кузатишлардан аён бўладики, енгил ва юк автомобили эгаси ҳар томонлама қулай, хавфсиз ва бошқаларга ноқулайлик туғдирмайдиган автотураргоҳдан фойдаланмаслигининг асосан икки сабаби бор экан.

Биринчидан, табиийки, автотураргоҳ ҳеч кимга бепул, яъни текин хизмат кўрсатмайди. Бу дегани , бир автоулов эгаси ойига тахминан 80-120 минг сўмгача ҳақ тўлашига тўғри келади. Шундай бўлгач, автоуловни кўп қаватли уйлар, шахсий уйларнинг ён-атрофига, пиёдалар йўлаги ёки йўлга текин қўйиш мумкин бўлиб турган бир пайтда, пуллик автотураргоҳдан фойдаланадиган мардни кундузи чироқ ёқиб топаолармикансиз? Борди-ю, автотураргоҳ уйингиз яқинида қурилган бўлса хўп-хўп, агар бир ёки икки километр узоқда жойлашган бўлса, бу ҳам яхши баҳонага ўтиши аниқ. Ўзингиз ўйланг, гоҳ жазирама, гоҳ қишнинг қировли кунларида шунча йўл босиб автотураргоҳга машинасини қолдириш кўпчиликка маъқул келавермаслиги кундай аён ҳақиқат-ку?!

Иккинчидан, автотураргоҳларнинг барчаси ҳам замонавий талабларга жавоб беради, дея олмаймиз. Об-ҳаво, иссиқ-совуқ дегандай оддий эҳтиёжлар ҳам деярли эътиборга олинмаган автотураргоҳларнинг борлиги сўзимиз исботи. Айримлари шунчаки тўртта устун ва бир тунука билан усти ёпилган, атрофи уч-тўрт темир панжара воситасида ўралган, холос.

Шу ўринда айтиш жоиз, ўтган асрда шаҳарнинг маҳалла ҳудудларида қурилган катта-кичик, ён-атрофи антисанитария ҳолатида бўлган алоҳида-алоҳида автотураргоҳлар бирин-кетин бузиб ташланди. Лекин айрим маҳаллаларнинг пана-пастқам жойларида бундай автотураргоҳлардан ҳалигача фойдаланиб келаётган фуқаролар ҳам борки, бу ҳам бошланган ишнинг якунига етмаганидан далолат. Қолаверса, сизнинг автотураргоҳингиз бузиб ташланса-ю, қўшнингизники бузилмай қолса, қани бунда мантиқ, тенглик тамойили?

Автотураргоҳлардан бўшаган баъзи майдонлар болалар учун ўйингоҳ, маиший хизмат кўрсатиш маркази вазифасини бажараётганлари ҳам учрайди. Тўғри, буларнинг бари шаҳримиз кўркига кўрк қўшиш ва аҳолига қулайлик яратиш мақсадида амалга оширилмоқда. Лекин уларнинг аксариятида, минг афсуски, ҳали ҳеч қандай арзирли амалий иш кўзга ташланмаётгани ҳам бор гап.

Кўпқаватли уйлар атрофидаги тирбандлик ҳақида гап борар экан, масаланинг яна бир нозик жиҳати борки, уни эътибордан четда қолдириш кутилмаган фавқулодда ҳодисаларга йўл очиб бериш билан баробар, деб баҳоланмоғи зарур. Тасаввур қилинг: кечки пайт, кўп қаватли уйлар йўлаги енгил автомашина у ёқда турсин, ҳатто одам ҳам зўрға кириб-чиқа оладиган даражада тирбанд. Аён ҳақиқат шуки, мана шу уйларнинг бирортасида кечаси ёнғин чиқмаслигига, бирор бахтсиз ҳодиса рўй бериб, фавқулодда вазиятлар тизими ходимлари, ўт ўчирувчилар ёрдамига ёки кимнингдир тоби қочиб “Тез ёрдам” шифокорларига эҳтиёж сезмайди, деб ким кафолат беради? Аҳамиятли томони — бу инсон тақдири билан боғлиқ ҳолат.

— Ўтган ой кечки пайт қўшнимизнинг тоби қочиб қолди, — дейди Яшнобод туманида яшовчи Феруза Маҳкамова. — Табиийки дарҳол “Тез ёрдам” чақирдик, шифокорлар дарров етиб келди. Бироқ гап шундаки, йўлак ва йўлдаги тирбандлик сабаб улар “Тез ёрдам” машинасини олисроққа қўйишга мажбур бўлишди. Хуллас, оғир аҳволдаги бемор қўшнимизни шифохонага олиб кетиш анчайин асаббузарлик, машаққат ва вақт йўқотиш ҳисобига кечди...

Хўш, муаммо бор экан, унинг ечими ҳам борми?

Маълумки, бугун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларга кўплаб имконият ва имтиёзлар берилаётир. Шундан келиб чиқиб, кўп қаватли уйлар атрофида ҳали-бери автотураргоҳлар қурилишига киришилмас экан, ўша имконият ва имтиёз шаклларининг алоҳида турларини мана шу тармоқ ривожи учун сафарбар этиш фурсати келди, деб ўйлаймиз. Ёки ҳар бир ҳудуддаги фойдаланилмай, бўш ётган бино ва иншоотларни қайта таъмирлаб, автотураргоҳ сифатида фойдаланишни йўлга қўйиш ҳам мумкин.

Ёки бўлмаса, пойтахтимизнинг “Гулобод” маҳалласида бунёд этилган кўп қаватли замонавий автотураргоҳга кўзингиз тушган бўлса ажаб эмас. Хўш, худди шундай автотураргоҳларни пойтахтимиз туманларининг бошқа маҳаллаларида ҳам қуришнинг иложи йўқми? Демак, бу ҳақда ҳам ўйлаб кўрилса, арзийди.

Яна бир гап. Эътибор берилса, автотураргоҳ муаммоси нафақат аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудлар, балки кўплаб идора ва ташкилотлар атрофида ҳам тез-тез учрайди. Шу боис сўнгги йилларда бунёд этилаётган биноларнинг биринчи қавати ёки ертўласидан автотураргоҳ сифатида фойдаланиш ҳар жиҳатдан ўзини оқлайди ва қолаверса, халқаро стандартларга ҳам тўла мос келади, деб ҳисоблаймиз.

Хўш, бу ҳақда сиз нима деб ўйлайсиз?

**Ориф ЖУМАЕВ,**
**журналист**

Маданият алифбоси

***“Кеча икки хотиннинг бир-бири билан ёқалашаётганини кўриб, тўғриси, аёл бўлиб тугилганимга афсусланиб кетдим. Улар ёнида ота-онаси қатори одамлар турганига ҳам қарамай, бир-бирини шунчалик беандиша сўзлар билан ҳақорат қилардики... Ёқа ушламасликнинг иложи йўқ...”***

# “СЕН МЕНГА ТЕГМА, МЕН СЕНГА ТЕГМАЙМАН”

## ҚАБИЛИДА ИШ ЮРИТИШ ВАҚТИ ЎТДИ

*“Арзонроқ экан, деб бозордан икки кило гўшт олдим. Негадир кўнглимда шубҳа уйғонди ва назорат тарозисида тортиб кўрдим. Не кўз билан кўрайки, гўшт бир кило-ю олти юз грамм тош босди. Жаҳлим чиқиб, қассобнинг олдига бордим. “Келинойи, агар сизга тўғри тортиб берсак, ҳеч қандай фойда кўролмаймиз. Қимматроқ нархда бўлса, марҳамат, тўғрилаб тортиб берамиз”, дейди...*

*“Ўтган куни сотувчига уч кило олма тортиб бер десам, нақд ярим кило уриб қоляпти. Нега ундай қиляпсан, десам, “Узр, билмай қолибман”, дейди. Бу одам кун бўйи яна қанча харидорнинг ҳақидан уриб қоларкин? Наҳот шундай йўл билан бола-чақа боқса, тарозидан уриш, бировнинг ҳақига хиёнат қилиш катта гуноҳ эканини билмаса?!”*

*“Эй, менга қара, инсофинг борми ўзи, на пулимни қайтарасан, на фоизини тўлайсан?! Агар бир ҳафта ичида пулимни фоизи билан қайтармасанг, туғилганингга пушаймон қилдираман!”*

Юқоридаги воқеаларни сиз ҳам кўп эшитгансиз ёхуд шу каби ҳолатларнинг жабрдийдаси бўлгансиз. Бундай воқеаларга, айниқса бозорларда бот-бот дуч келасиз. Энг ёмони, бундай ҳолат айримлар учун одатга айланиб бўлган. Баъзи аёллар, келажагимиз тарбиячилари ҳисобланмиш оналаримиз, турмуш қурмаган қизларимиз бир-бири билан ёқалашишдан уялмаяпти, эркаклар айтишга ор қиладиган сўзларни ҳам бемалол тилга олаяпти. Билса ҳазил, билмаса чин, қабилида иш кўраётган айрим кимсалар тарозидан уриб, фарзандларини ҳаром луқма билан боқаяпти. Тарозидан уриш, фоизга пул бериш, яъни судхўрлик мусулмончиликда катта гуноҳ саналади.

Бундай “гуноҳ”ларни кимдир билиб, кимдир билмай қиляпти. Тарозидан уриб қолиш, фоизга қарз бериш катта гуноҳлиги-



дан айримларнинг хабари бўлмаслиги ҳам мумкин. Эркаклар билан ёқалашишдан тап тортмаётган “бозорчи аёл”ларимиз ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолаётгани йўқ. Давр ўзгариши, турмуш тарзимизга замонавий ахборот-коммуникация воситалари кириб келиши жараёнида миллий ва диний қадриятларимиздан бир оз узоқлашдик. Бугун эса вазият буткул ўзгармоқда. Хўш, уларнинг маънавияти ва маърифатини ошириш учун нима қилишимиз керак?

Мамлакатимизда халқимизни инсонпарварлик ва миллий қадриятлар, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, юксак ахлоқ руҳида тарбиялаш, диний қадриятларни тиклаш, одамлар

***Шу пайтгача бозор радиоалоқасидан тарозидан уриш, судхўрлик билан кун кўриш катта гуноҳлиги айтилган оят ва ҳадислардан намуналар келтирилганини ёхуд диний уламолар, маънавият-маърифат вакилларининг одамларни яхшиликка, эзгу амалларга чорловчи маърузаларини ҳеч эшитганим йўқ. Менимча, бозорларимизда ҳам шундай чиқишларни йўлга қўйсак, тез орада ижобий натижа бериши шубҳасиз.***

ўртасида меҳр-оқибатни кучайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳатто Қуръони Карим, “Ҳадиси шариф билимдони” каби республика танловлари ўтказиляпти. Пойтахтимизда Ислом цивилизацияси маркази бунёд этилмоқда. Булардан асосий мақсад — одамларни тўғри йўлга, яъни маърифат, маънавият ва адолат йўлига бошлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишдир.

Юқорида бугун бозорларимизда рўй бераётган айрим воқеаларни бежиз келтирмадик. Бизни ажаблантирган нарса, бозор маъмурияти шундай воқеаларни кўриб, билиб, ҳамон кузатувчи сифатида тураётгани.

Ҳолбуки бунга қарши курашишнинг бир неча усул ва воситаси бор. Бозор маъмурияти эса “сен менга тегма, мен сенга тегмайман” қабилида иш тутишни афзал биляпти. Масалан, барча бозорда радиоалоқа хизмати мавжуд. У орқали солиқлар, мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳақида хабар ва маълумотлар, баъзан кун бўйи бўлар-бўлмас қўшиқлар янграйди. Лекин шу пайтгача бозор радиоалоқасидан тарозидан уриш, судхўрлик билан кун кўриш катта гуноҳлиги айтилган оят ва ҳадислардан намуналар келтирилганини, ёхуд диний уламолар, маънавият-маърифат вакилларининг одамларни яхшиликка, эзгу амалларга чорловчи маърузаларини ҳеч эшитганим йўқ. Менимча, агар бозорларимизда ҳам шундай чиқишларни йўлга қўйсак, тез орада ижобий натижа бериши шубҳасиз.

Бу борада бевосита ўзим гувоҳ бўлган бир ҳолатни мисол сифатида келтирмоқчиман. Ишга бораётганимда ҳар куни йўл бўйида “Бу ерга чиқинди ташламанг. Жарима 50 минг сўм” деган ёзувга кўзим тушарди. Лекин одамлар ҳеч парво қилмай чиқинди ташлайверарди. Жарима 500 минг сўмга кўтарилганда ҳам одамлар чиқинди ташлашда давом этаверди. Бир куни кутилмаганда ўша ерда “Ахлат ташлаган ахлатдек хор бўлсин” деган ёзув пайдо бўлди. Не ажабки, одамлар шундан сўнг бу ерга чиқинди ташлашни бас қилди.

Мана, сўзнинг, маънавиятнинг қудрати.

Хулосани эса, ўзингиз чиқараверинг!

**Равшан МАҲМУДОВ,**
**ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби**

Парламент комиссиясида

# ТАҲЛИЛ, САРҲИСОБ ВА ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.***

Тадбирда Парламент комиссияси давлат дастурларини бажаришда нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаол иштирокини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган чора-тадбирларни изчил амалга ошираётгани таъкидланди. Хусусан, Парламент комиссияси томонидан ҳудудларда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазифаларнинг жойларда бажарилишини ўрганиш мақсадида тадбирлар ташкиллаштирилгани қайд этилди.

Бундай тадбирлар 2018 йилнинг 19-30 июнь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари ҳамда ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокида ўтказилди. Уларда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик маслаҳат органлари фаолиятидаги иштироки ўрганилди.

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасида белгиланган вазифалар, жумладан, ҳудудларда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини мулкий, ахборот, маслаҳат, ташкилий ва ўқув услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар ўрганиб чиқилди. Бу борада давлат органлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилганлиги аниқланди. Хусусан, ўтган йилда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси Қорақалпоғистон бўлимига “ноль” балансда бино ва 143 миллион сўм, Бухоро вилоятида 6 та ННТга 400 миллион сўм, Навоий вилоятида 4 та ННТга 180 миллион сўм маблағ ва Сирдарё вилояти ҳокимлиги томонидан Боёвут тумани ногиронлар жамиятига 16,5 гектар ер, Янгиер кўзи ожизлар жамиятига шаҳар ҳокимлиги биносидан икки хона ажратилган.

Парламент комиссияси йиғилишида, шунингдек, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг 2017 йил якунларига бағишланган ҳисоботи эшитилди. Ҳисобот даврида Ахборот маркази лойиҳаси доирасида “O’zbekiston online” ахборот дастурининг жами 553 сони тайёрланган. Марказ ҳамда ҳудудий телестанциялар ахборот хизматлари ижодий гуруҳлари 580 репортаж, 757 лавҳа ҳамда бошқа жанрдаги 1 минг 177 телемаҳсулот, жами 2 минг 154 материал тайёрлаб берган. Ахборот маркази лойиҳаси иштирокчилари тайёрлаган энг сара танқидий-таҳлилий репортажлар “Менинг юртим” телеканалининг “Марказий студия” кўрсатувида намойиш қилинмоқда.

Бундан ташқари, ассоциация ҳамда 17 нодавлат радиостанциянинг биргаликдаги лойиҳаси доирасида 944 “O’zbekiston online” ахборот дастури тайёрланган. Ушбу радиоэшиттиришларга ижодий гуруҳлар 6 минг 708 репортаж, 472 хабар, шунингдек, шу каби жанрдаги 1 минг 378 радиомаҳсулот тайёрлаб берган.

Нодавлат телерадиостанцияларда фаолият юритувчи ходимларнинг касбий малакасини ошириш мақсадида маҳаллий ҳамда хорижлик малакали мутахассислар иштирокида 20 семинар-тренинг, халқаро ташкилотлар, элчихоналар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида 6 халқаро тадбир, 3 медиа-тадбир, нодавлат телерадиостанциялар ижодкорларини қўллаб-қувватлаш, улар меҳнатини муносиб рағбатлантиришга қаратилган 3 медиа-фестиваль ва танлов ўтказилган.

ОАВ вакиллари иштирокида давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида 150 дан ортиқ “Менинг овозим: халқ билан мулоқот” ток-шоуси ўтказилди. Шунингдек, Ижтимоий медиа-маҳсулотлар миллий фестивали, “Озод юрт тўлқинлари”, “Журналистлар баҳори — 2017” медиа-фестиваллар ўтказилгани таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг 2017 йил якунлари бўйича ҳам ҳисоботи эшитилди. Уюшма ОАВ ходимларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Олтин қалам” XII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ўтказган. Танловда 530 журналист 9 минг 500 дан ортиқ ижодий иши билан қатнашган. Улар орасидан 18 журналист ғолиб ва совриндор деб топилган.

Тадбирда кун тартибидаги навбатдаги масала —Ўзбекистон ногиронлар жамиятига ажратилган давлат субсидияси доирасида 2017 йилда бажарилган ишлар бўйича ҳисобот кўриб чиқилди. Жамият фаолиятини ривожлантириш бўйича таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Кун тартибидаги бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниб, тегишли тавсиявий қарорлар қабул қилинди.

**Нурбек ЙЎЛДОШЕВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Бизнинг шарх

# ҲАММАСИ ИННОВАЦИОН ҒОЯДАН БОШЛАНГАН

## ЁХУД ДУНЁНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН "ALIBABA"

***"Мен ҳар доим ўзимга шундай дейман: биз фақат ишлаш, ҳамма вақтимизни ишда ўтказиш учун эмас, балки ҳаётдан завқ олиш, бошқалар ҳаётини яхшилаш учун туғилганмиз. Агар вақтингизни фақат бир хил иш билан ўтказсангиз, эртами кечми бундан афсусланасиз".***



Хитойлик тадбиркор, миллиардер Жек Ма ўз ҳаётида ана шундай ақидага амал қилиб яшаб келмоқда. У асос солган AliExpress онлайн-савдо майдонидан бугун бутун дунё аҳолиси Хитойда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олишда кенг фойдаланади. Жек Ма дунёнинг энг бадавлат кишилари рўйхатида 20-ўринни эгаллаган. Унинг сурати хитойлик бизнесменлар орасида биринчилардан бўлиб "Forbes" журналининг олд саҳифасида чоп этилган.

Хўш, бу даражага эришиш учун 54 ёшли бизнесмен қандай йўлни босиб ўтган?

Жек (асл исми Ма Юнь) Хитойнинг Чжэцзян провинциясининг Ханчжоу шаҳрида мусиқачи оиласида таваллуд топган. Ёшлигида у инглиз тилини ўрганишга қизиққан ва велосипедда ҳар куни уйидан унчалик узоқ бўлмаган меҳмонхонага қатнаган. У ерда Жек хорижлик меҳмонлар билан гаплашиб, инглиз тили бўйича салоҳиятини оширишга интилади. Бундан ташқари, у чет тилида сўзлашиш қобилиятини мукаммаллаштириш мақсадида туристлар учун шаҳар бўйлаб бепул гидлик ҳам қилган. Ма билан дўстлашиб қолган туристлардан бири уни Жек, деб атаган ва у кейинчалик шу исм билан дунёга танилди.

Тиришқоқлигига қарамай у коллеж имтиҳонларидан икки бор ўта олмади. Лекин узоқ тайёргарликдан сўнг Ханчжоу педагогика институтига ўқишга киришга муваффақ бўлади. Институт битирувчиси шу ернинг ўзида инглиз тили ўқитувчиси сифатида ишлай бошлайди. Лекин ойига 12-15 долларлик маош уни қониқтирмагач, бошқа иш қидиришга тушади. Бироқ бунинг фойдаси бўлмайди.

1995 йилда савдо делегациясига таржимон сифатида АҚШнинг Сиэтл шаҳрига йўл олган Жек биринчи марта Интернет билан танишади. Унинг Интернетда қидирган биринчи сўзи "пиво" бўлган. Лекин қидирув натижалари орасида хитойлик ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулоти аниқланмаган. Шунда Жек Ма ўзининг Интернет-компаниясини очишга қарор қилади. Натижада веб-сайтлар яратиш билан шуғулланувчи China Yellow Pages компаниясига асос солди.

Кейинчалик Жек Ма компаниясининг иши бошланган дастлабки кунни шундай хотирлайди: *"Интернетга уланган кунимиз мен уйимга дўстларимни таклиф қилдим. Сайтнинг ярим саҳифаси юклангунга қадар уч соат кутишга мажбур бўлганмиз. Бу вақт давомида телевизор кўрдик, бошқа кўнгилочар ўйинлар билан машғул бўлдик. Лекин мен мағрур эдим, чунки Интернет мавжудлигини исботладим".*

Молиявий имконият ўта кам бўлгани сабаб компания офиси Манинг уйида жойлашган эди. Орадан уч йил ўтиб эса фирманинг даромади 800 минг АҚШ долларига етди.

1998 йилда Хитой Ташқи савдо ва иқтисодий ҳамкорлик вазирлигининг бўлими ҳисобланган Халқаро электрон савдо марказига раҳбарликни зиммасига олди. Бир йилдан сўнг бу лавозимдан воз кечиб, кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлари маҳсулотининг савдо майдонига айланиши режалаштирилган Alibaba Group компаниясига асос солди. Компанияга бундай ном берилиши замирида у ҳар қайси тилда бемалол талаффуз қилиниши ва "Алибобо ва қирқ қароқчи" эртагига ишора қилиш назарда тутилган. Яъни компания эртакдаги хазинага тўла "Сим-сим" ғорига ўхшатилади. Йил давомида умумий қиймати 25 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилишга муваффақ бўлган компания ҳалигача зарар кўраётган эди. Бу ҳолат хитойлик экспортчилар АҚШдан мижоз топиши мумкин бўлган тизимни ишлаб чиққанидагина барҳам топди ва 2002 йилда Alibaba Group бир доллар фойда кўрди. Шундан сўнг компаниянинг даромади жадал суръатда ошиб борди.

2003-2005 йилда тиниб-тинчимас Жек Ма Alipay ва Ali Mama компанияларига асос солди. Yahoo компанияси бу лойиҳага 1 миллиард АҚШ доллари тикди. Ушбу компаниялар онлайн сотиб олинаётган маҳсулотларга электрон тўловни амалга оширишни осонлаштирди. 2012 йилга келиб "Alibaba"нинг йиллик айланма маблағи 1 триллион юан (170 миллиард АҚШ доллари)га етди. 2014 йилда компания акцияларини Нью-Йорк фонд биржасида савдога қўйди. Бу орқали аслида Жек 1 миллиард АҚШ долларини жалб қилмоқчи эди, лекин инвестиция миқдори 25 миллиард доллардан ортиб кетди.

Жорий йил баҳор ойида "Alibaba" Хитойда овқат етказиб бериш билан шуғулланувчи Ele.me онлайн-хизматини 9,5 миллиард АҚШ долларига сотиб олди. Апрель ойида эса компания автоном ҳаракатнинг тўртинчи даражасига мувофиқ келувчи ҳайдовчисиз транспортлар лойиҳасини ишлаб чиқаётганини маълум қилди. Бу соҳани ривожлантириш мақсадида Хитой ҳукумати мамлакат ҳудудида ҳайдовчисиз автомобилларни тажрибадан ўтказиш учун зарур шароит яратиб берди. Албатта, бу каби автомобиллар компанияга сотилган маҳсулотларни эгаларига етказиб беришда қўл келади.

Жек табиатни асраш, уни ҳимоя қилишга ҳам катта эътибор қаратади. У бу ишга ёмон экология сабаб турмуш ўртоғининг ота-онасида касаллик аниқланганидан кейин киришди. 2009 йили "Alibaba" компанияси ўзининг савдо майдонидаги акула сузгичларидан тайёрланувчи барча маҳсулотларига таъқиқ қўйди. 2010




йилда эса Ма Хитой табиатни ҳимоя қилиш кенгашига раҳбарлик лавозимига тайинланди. Ўшанда у компаниясининг йиллик даромадидан 0,3 фоизини атроф-муҳитни асрашга қаратилган турли лойиҳалар, хусусан, ҳаво ва сув сифатини яхшилаш дастурларига ажратишини маълум қилди. Жек Nature Conservancy халқаро нотижорат ташкилот кенгашининг аъзоси саналади. Бундан ташқари, у Хитойда 10 минг гектардан ортиқ майдонга табиий захира яратиш учун пул ажратди.

Жек оилавий ҳаёти ҳақида маълумот беришни унчалик хушламаса-да, лекин бойлигини намойиш қилишдан тортинмайди. Компания Жек Манинг дунё бўйлаб ҳаракат қилиши учун Gulfstream G550 бизнес-классидаги самолётни 2013 йилда 49,7 миллион долларга сотиб олган. У 2014 йилда "Time" журнали версиясига кўра "Дунёнинг энг нуфузли кишилари юзталиги"га кирган. "Businessweek" уни 2007 йилда "Йил бизнесмени", деб эълон қилган, 2009 йилда эса "Хитойнинг энг қудратли одамлари" рўйхатига киритган. Табиий офатдан зарар кўрган ва камбағалларга берган ёрдами учун 2010 йилда Жек Ма "Forbes Asia" журналидан "Осиё хайрия тадбирлари қаҳрамони" унвонини олди. Ёшлигида коллежга кириш имтиҳонларидан йиқилган бўлса-да, 2013 йилда Гонконг университетининг фахрий фан докторига айланди. "Forbes" журнали уни 2014 йилда "Дунёнинг энг қудратли кишилари" рўйхатида 30-ўринга лойиқ топди.

Бугун компания яратган AliExpress сайти Хитой ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларини бутун дунё бўйлаб тарқатувчи глобал савдо майдонига айланиб улгурди. Ушбу сайт фойдаланувчилар энг кўп кирувчи сайтлар қаторида 47-ўринни эгаллаган бўлиб, инглиз, испан, нидерланд, француз, итальян, поляк, португал ва рус тилларида ишлайди. Сайтнинг энг кўп (21,8 фоиз) фойдаланувчилари — россияликлар. Шунингдек, сайт 4,6 фоиз испаниялик, 4,5 фоиз бразилиялик, 4,3 фоиз америкалик, 3,2 фоиз польшалик фойдаланувчиларга эга.

Alibaba Group айни пайтда Хитойдаги электрон савдонинг 80 фоизини назорат қилади. Ҳар учта харидниг иккитаси Alipay савдо тизими орқали амалга ошади. Ушбу тизимнинг йиллик айланма маблағи 148 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Жек Манинг компанияси мамлакат ичида 6 онлайн-савдо сайтларини ишга туширган ҳамда Facebookнинг Хитойдаги варианти Weibo ижтимоий тармоғининг акциялар пакетига эгалик қилади.

Жек Ма — атрофига ҳамфикр инсонлардан жамоа йиға оладиган ва бизнесини ташкилотчилик сингари табиий истеъдоди асосига қура олган замонавий тадбиркор. У ақл ва истеъдоднинг кам учрайдиган мувофиқлашувининг тасдиғи, десак янглишмаган бўламиз.

У каби инсонлар бизнинг мамлакатимизда ҳам топилади. Зеро, Президентимиз ташаббуси билан 2018 йил юртимизда Фаол тадбиркорлик ва инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш йили, деб номлангани бежиз эмас. Бугун тадбиркорлар учун кенг имкониятлар эшиги очилган. Фақат ундан оқилона ва унумли фойдаланиш зарур. Жек Ма ҳақидаги мақоламиз ҳам айнан шу мақсадда тайёрланди. Ва уни Жекнинг қуйидаги сўзлари билан якунлашга қарор қилдик: *"Иштиёқни рад этишдан ёмон нарса йўқ. Охирига етмаган ишни ташлаб, сиз нафақат мағлубиятни тан оласиз, балки ўзлигингиздан ҳам воз кечган бўласиз".*

**Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Рангин дунё

# "БЎРОНЛИ ШАРШАРА"

## ЕВРОПАНИНГ ЭНГ ЙИРИК ШАРШАРАСИ ҒАРОЙИБОТЛАРИ ХУСУСИДА







***Атлантика океанида жойлашган Исландия балки меъморчилик ёдгорликлари ё экспонатларга бой музейлари билан фахрлана олмас, бироқ қутб ёгдуси, музликлар, вулқонлар, гейзерлар, шаршаралар каби табиат мўъжизаларини томоша қилиш учун мазкур мамлакатга ҳар йили юз минглаб сайёҳлар келиши бор гап.***

Ана шундай табиат мўъжизаларидан бири — Деттифосс шаршараси Исландиянинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, Европадаги энг йирик шаршарадир. Уни "Европа Ниагараси" деб ҳам аташади. "Dettifoss" исланд тилида "бўронли шаршара" маъносини англатади. Чунки сувнинг қоялардан пастга катта босим билан тушиши натижасида унинг остки қисмида "томчилар булути" ҳосил бўлади. Натижада шаршаранинг қуйи қисми кўринмай қолади.

Шаршара Йёкульсаурглювур миллий боғида жойлашган бўлиб, Йёкульсау-ау-Фьёдлум дарёсининг тоғ қояларидан тушиши натижасида ҳосил бўлади. Дарё эса Ватнаёкюдль музлигининг эриши ҳисобига тўйинади.

Деттифосснинг икки томони қоялар билан ўраб олинган. Аслида шаршара манбаи бўлган дарё жигарранг тусда. Фақат сув қоялар бағрида катта куч ва босим остида тушгани учун оқишроқ бўлиб кўринади. Қуёшли кунларда шаршара тепасида камалак ҳосил бўлади.

Шаршаранинг эни 100, баландлиги 44 метрга етади. У Ниагара шаршарасидан 9 метр пастроқ бўлиб, бу ердан сониясига 200 куб метр сув пастга тушади. Бу кўрсаткич вақти-вақти билан ўзгариб, 500 куб метргача ошиши мумкин.

Деттифосс шаршараси, айниқса, ёз ойларида ўзига хос кўриниш касб этади. Боиси бу мавсумда унинг суви кўпаяди. Шу боис июнь, июль, август, сентябрь ойлари бу ерга келиш учун энг қулай пайт.

Шаршара жойлашган ҳудуд аслида мамлакатдаги энг қуруқ минтақалардан саналади. Фақат шаршара оқиб тушадиган ҳудудда сув сачраши ҳисобига тупроқ юмшаб, яшил тусга киради. Шаршара атрофини қум тепаликлар, харсанг тошлар ўраб олган.

Дарё ўзани бўйлаб юрар экансиз, Йёкульсаурглювур миллий боғида бошқа шаршараларга ҳам дуч келасиз. Улар орасида энг эътиборни тортадигани — Селфосс шаршараси бўлиб, унинг баландлиги 11, эни 100 метрни ташкил қилади. Шаршарага яқин жойда Миватн кўли ҳам жойлашган. Кўлнинг узунлиги 10, эни 8 километрни ташкил этади.

Исландия муқобил энергия манбаларидан унумли фойдаланаётган мамлакатлардан бўлса-да, Европадаги энг йирик шаршара — Деттифоссдан энергия манбаи сифатида фойдаланилмайди. Боиси шаршарага диққатга сазовор, мамлакат туристик салоҳиятини оширувчи асосий манбалардан бири сифатида қаралади.

Бугун мазкур шаршара кўплаб санъат намояндаларининг илҳом манбаига айланган, десак муболаға бўлмайди. Мисол учун, исландиялик таниқли бастакор Йоун Лейфс шаршарадан илҳомланиб, "Деттифосс" куйини басталаган. Қолаверса, буюк британиялик таниқли кинорежиссёр ва продюсер Ридли Скоттнинг "Прометей" фильмидаги айрим саҳналар ушбу шаршара жойлашган ҳудудда олинган. 2012 йилда суратга олинган илмий-фантастик жанрдаги мазкур фильмда Деттифосс атрофидаги ҳудудлар сайёрамиздаги ҳаётнинг илк ўчоқларидан бири бўлганига ишора қилинган.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## ҚЎЛ СОАТИ — ЭНГ ЯҚИН ЁРДАМЧИ




***Тарихдан маълумки, кўп ихтиролар одатда унинг муаллифинг шахсий ҳаётида рўй берган бирор воқеа асосида яратилган. iBeat Heart Watch соатининг яратилишида ҳам Райан Говард хаётидаги шундай воқеа туртки бўлди***

Hi-news.ru сайтининг хабар беришича, уч йил аввал Райан Говарднинг дўсти уйқу чоғида вафот этади. Шундан сўнг бу воқеа ихтирочининг ўй-хаёлини буткул банд қилади. У тунда уйқу пайтида бирдан нафас олиш тўхтаганида ёки юрак хуруж қилганида ёрдам чақирадиган бирор нима ихтиро қилишга киришди. Ва ниҳоят уч йилдан сўнг iBeat Heart Watch ақлли соатини яратди. Қурилма одатий соатга ўхшайди, бироқ фавқулодда ҳолатларда инсон ҳаётини қутқариб қолишга кўмак бериш имконига эга. Бунинг учун аввал у юрак уриши ҳақида маълумот тўплайди ва уни қайта ишлайди. Агар бирор меъёр бузилиши ҳолати кузатилса соат фойдаланувчини дарров огоҳлантиради. Агар фойдаланувчи ўзини яхши ҳис қилмаётганини тасдиқласа ёки 10 сония ичида жавоб бермаса, соат автоматик равишда тез ёрдам чақиради.

Бундан ташқари, соатга SOS тугмаси ўрнатилган. Кимгадир фавқулодда ёрдам зарур бўлса, ундан фойдаланиш мумкин. Борди-ю одам ҳаракатлана олмаса ёки бошқалар ёрдамга кела олмаса, хавотирга ўрин йўқ. Чунки соат GPS ва Интернетга уланган. Шунингдек, у смартфондаги Bluetooth орқали боғланиб касаллик тарихи ва бошқа маълумотларни юбориб туради.

Соат доимо фаол ҳолатда бўлиши зарур. Бир марта қувватланса, 4 кунга етади. У қўлга тақилган ҳолатда ҳам қувватлана олади. Уни ҳозир 250 АҚШ долларига харид қилиш мумкин.

## БИР-БИРИГА БОҒЛИҚ ИККИ ВУЛҚОН



***Олимлар Япония жанубидаги вулқонларнинг биридаги радикал ўзгаришлар ундан 22 километр узоқликда жойлашган бошқа вулқоннинг отилиши таъсирида юз бераётганини аниқлашди. Бу икки вулқон — Айра ва Кирисиманинг магма камералари 2011 йилгача битта манбага эга бўлган.***

Япониянинг Кирисима ва Кагосима шаҳарлари ер силкиниши фаол ва ўта хавфли ҳудудда жойлашган. Икки вулқоннинг бир-бирига таъсирини ўрганиш янги вулқон отилиши хавфини келтириб чиқариши ёки хавф солмаслигини аниқлашга ёрдам беради.

Майами университети ва Флорида халқаро университети тадқиқотчилари ҳудуддаги доимий 32 та GPS станцияси маълумотларини таҳлил қилиб, бу икки вулқон магмаси ягона манбага эга, деган хулосага келди.

Крисима отилишидан аввал Айра тўхтаб қолган ва экспертлар буни вулқоннинг сўниши деб баҳолаган эди. Бироқ бунинг мутлақо акси бўлиб чиқди. Айра ичидаги магма оқими вақтинчалик ортига қайтиши натижасида Кирисима портлай бошлаган.

— Аҳоли зич яшаётган ҳудудда вулқонларнинг ҳаракатини назорат қилиш ўта муҳим саналади, — дейди тадқиқотчилар раҳбари Элоди Ботланд. — Биз Кирисима вулқони портлашидан олдин ва кейин Айрада кескин ўзгаришлар юз берганини кузатдик. Бу ўзгаришлар икки вулқон ер остида ўзаро боғлиқликка эга эканини кўрсатади. Уларнинг қай даражада боғланганини аниқлаш портлаш хавфини ўрганишга ёрдам беради.

**М. АБДУЛЛАЕВ**
**тайёрлади.**

MILLIY TIKLANISH
28 (512) 2018 йил 18 июль, чоршанба

Замонамиз зиёлиси

# ДУНЁ БИЛАН ҲАМҚАДАМ ОЛИМ



**< Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

*Иккинчи олим — Нобель мукофоти лауреати Пьер Кюри эди. 1880 йилда у ташқи таъсир туфайли электр токи ҳосил бўлишини, яъни айрим моддаларнинг пьезоэлектрик хусусиятини кашф этди. Пьезоэлемент шу тарзда замонавий ультратовуш ускуналарининг асосига айланди.*

*1941 йилда австриялик олим Карл Дюссик инсон миясини биринчи бўлиб мазкур усул ёрдамида тадқиқ қилди. 1958 йилда ультратовуш орқали ҳомила бошининг ўлчами аниқланди. АҚШда 1963 йилда яратилган кулранг шкалали илк тиббий ультратовуш ускунаси янги даврни бошлаб берди. Бошқа ўлкаларда, айниқса, ҳозирги МДҲ ҳудудларида XX асрнинг 60-йилларида айрим тадқиқотлар ўтказилганига қарамай, бу соҳа анча орқада қолди ҳамда фақат 1980 йилдан кейин интенсив қўлланила бошланди"*, деб ёзади "Индикатор" маълумотлар манбаси.

Мақола муаллифлари шу ерда адашган кўринади. Чунки айнан ўша маҳалда, яъни АҚШда шундай қурилма яратилишидан икки йил аввал Тошкентда дунёда янги ҳисобланган ультратовуш диагностикаси тадқиқотлари жадал олиб борилаётган, 1961 йилдаёқ Рентгенология, радиология ва онкология илмий-тадқиқот институти(ҳозирги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази)да ультратовушнинг диагностик хусусиятлари ўрганила бошланган, тадқиқотчилардан бири — бугун элимизнинг таниқли олими Акрам Фозилов эди.

...Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтининг ультратовуш диагностикаси кафедрасида мени, ёши саксонга бориб қолган бўлса-да баланд бўйли, тик қадли, юз-кўзидан ва муомаласидан зиёлиларга хос донишмандлик ва маданият сезилиб турган киши кутиб олди. Домладан узр сўраб, ультратовуш ташхислаш илмининг дастлабки босқичларидаги изланишлар ҳақида ҳикоя қилиб беришини илтимос қилдим.

— У пайтлар тасвирлар нимани англатишини, қайси аъзо қай кўринишда бўлишини, қайси соҳада қўлланилишини ҳали ҳеч ким билмас эди, — дейди Акрам Акмалович. — Мен йигирма уч яшар ўспирин, Рентгенология, радиология ва онкология илмий-тадқиқот институтига тажриба ўрганишга келганимданоқ, ўша янги ускунага қизиқиб қолдим. Физикани ёқтирардим, тўлқинлар табиатини яхши билардим. Бағрикенг устозим, профессор Жўра Абдурасулов менга ишониб ўз раҳбарлигидаги институтга қабул қилгач, янгиликлар ва изланишлар уммонига шўнғиб кетдим.

Дастлабки тасвирларимиздан бири — сут безидаги ўсмаларни ультратовуш орқали аниқлаш бўлган. Биринчи олинган ушбу тасвир ҳозир АҚШнинг ультратовуш музейида, "Тошкент, Ўзбекистон" ёзуви остида турибди.

Илк кузатишларимиз муваффақиятли чиққач, тиббиётнинг турли соҳалари вакиллари мурожаат қила бошлади. Ўзимизда ҳам, бутун дунёда ҳам қизиқиш катта, чунки безарар, бир неча дақиқа ичида натижа олиш мумкин бўлган янги ускуна ҳаммани қизиқтирарди-да. Гепатологлар, пульмонологлар, андрологлар, гастроэнтерологлар — барчаси ўз соҳасида ультратовушни қандай қўллаш ҳақида маслаҳат сўрашарди. Шу тариқа, мазкур усулни тиббий амалиётда қўллашнинг фундаментал асослари яратила бошланди...



Қисқа вақт ичида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бугун Ўзбекистон ҳақли равишда ультратовушни тиббий амалиётда қўллашнинг илк марказларидан бири сифатида бутун дунёда эътироф этилади. Мазкур эътирофда Акрам Фозиловнинг ҳам ҳиссаси бор, албатта.

Профессор Акрам Фозилов ўз меҳнат фаолиятини Рентгенология, радиология ва онкология илмий-тадқиқот институтида кичик илмий ходимликдан бошлаб, ҳозирги МДҲ давлатлари доирасида етакчи бўлган ультратовуш лабораториясига раҳбарлик даражасига кўтарилган. 1967 йилда "Сут бези касалликлари ультратовуш диагностикаси" мавзусида номзодлик, 1981 йилда эса "Онкологияда ультратовуш диагностикаси" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Акрам Фозиловнинг фундаментал илмий изланишларининг клиник тадбиқий аҳамияти кичик интенсивликдаги ультратовушнинг биологик таъсирини ва биологик объектларнинг акустик таснифларини ўрганишга қаратилган. Бу изланишлар тиббиёт амалиётида ультратовуш диагностикасининг янги усул ва услубларини — контраст, функционал ва наркозли эхография, шунингдек, бу усулларни бошқа усуллар билан биргаликда ишлатиш технологияларини яратиш ва амалиётга татбиқ этишга асос бўлди. Мазкур изланишлар тиббиётда ультратовуш диагностикасининг ривожланишига ҳамда принципиал янгиликка эга бўлган кўп функцияли юмшоқ эхо-зондлар, когерент ва акустик голография усуллари, компьютерли ультратовуш томографияси, ультратовуш диагностикаси мутахассисининг автоматлаштирилган ишчи ўринларини яратишга ва татбиқ этишга асос бўлди. Бу ишлардан ўн тўрттаси патентлар билан ҳимоя қилинган, шу жумладан, яратилган ультратовуш акустик қурилмага Европа мамлакатлари сертификати берилган.

Акрам Фозиловнинг раҳбарлигида ультратовуш диагностикасида 3 минг 500 дан зиёд мутахассис тайёрланган ёки малака оширган. Ҳозиргача 450 га яқин илмий ишлар чоп этилган, профессорнинг шогирдларидан 11 нафари фан доктори, 42 нафари эса фан номзоди. Дунё миқёсидаги танқли олимларнинг эътироф этишича, МДҲ давлатларида ультратовуш диагностикаси бўйича қилинган диссертация ишларининг ҳар учинчиси Ўзбекистонда тайёрланган.



Ҳа, тиббиёт фанлари доктори, профессор Акрам Фозилов илм-фанимизни жаҳонга танитган йирик олим. У кишининг хизматлари муносиб эътироф этилган, Россия, Қозоғистон тиббий академияси фахрий академиги, Америкадаги Жаҳон ультратовуш институти ва ассоциациясининг "Ультратовуш пионери" фахрий дипломи соҳиби. Тиббиёт технологиялари ва мутахассислар тайёрлашдаги улкан ҳиссаси учун Кембриж университети олимнинг номини "2000-2001 йилларнинг илғор инсони" энциклопедиясига киритган ҳамда кумуш нишон билан мукофотлаган бўлса, Россия шифокорлар малака ошириш академиясининг фахрий маърузачиси, бир қанча тиббиёт журналларининг таҳририят аъзоси ҳамдир.

— Бугун 3D ва 4D ультратовуш тадқиқотлари жуда тез ва самарали амалга оширилмоқда, — дейди Акрам Акмалович мазкур соҳанинг истиқболи ҳақида сўзлаб. — Инсон ички аъзоларини миллиметрдан камроқ аниқликда кўрса бўлади. Ультратовуш ташхиси аниқлиги датчикнинг иш тебраниш даражаси частотаси ва органнинг чуқурлигига боғлиқ. Ушбу йўналишда ҳали қилиниши керак бўлган яна анча истиқболли ишлар бор. Ҳозир бутун дунё тадқиқотчилари кўп қатламли ультратовуш томографи яратиш устида иш олиб бормоқда. Яна бир янги йўналиш — йўналтирилган ультратовуш ёрдамида ўсмаларни йўқ қилишдан иборат. Ушбу усул "Йигирма биринчи аср жарроҳлиги" номи билан аталмоқда.

Профессор Акрам Фозилов тўрт фарзандининг отаси, тўққиз невара, тўрт чевараниинг севимли бобоси ҳамда минглаб мутахассисларнинг севимли устози, чинакам зиёли инсондир. Унинг турмуш ўртоғи, қизи ҳам ультратовуш диагностикаси соҳасида фаолият олиб боради. У яратган мактабда таълим олган кўплаб шогирдлари бугун дунёнинг турли ўлкаларида ҳамда юртимизда энг савобли ишлардан бири — кишилар дардига малҳам бўлиш, тиб илмининг султони, бобомиз Абу Али ибн Сино айтганидек, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида заҳмат чекмоқдалар. Эътирофлар ҳақида гап кетганида эса, профессор, чинакам зиёли инсон Акрам Фозилов Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг машҳур мисрасини эсга олади:


— Ҳа, ишлаяпмиз, лекин бу меҳнат, холос. Юртимиз, элимиз, илму фанимиз учун меҳнатимизни, ғайратимизни аямаймиз.

Ватанни чин дилдан севган, халқ манфаатини ҳар нарсадан устун қўйган, давр қўяётган талабларни астойдил ҳис этувчи, ҳар жиҳатдан намуна зиёли инсонгина шундай фикрлаши табиий.

**Исажон СУЛТОН,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

# ИССИҚ ҲАРОРАТ: УНДАН ҚАНДАЙ САҚЛАНИШ МУМКИН?



***Бу йил ёз фаслида ҳарорат дунё бўйлаб рекорд даражада исимоқда. Ушбу глобал исиш жараёни мамлакатимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Бундай об-ҳаво шароитида инсон организми муздеккина музқаймоқ тусаши ёки кун бўйи бир неча литр сув талаб қилиши табиий. Лекин, иссиқ ҳароратдан сақланиш учун бундай йўл тутиш айрим ҳолатларда касалликка чалинишга олиб келиши мумкин.***

Бундай шароитда қатъий чегараланган рацион ва бир неча қоидага амал қилиш керак: тузланган маҳсулотлар ва ширинликлар, спиртли ичмликлар истеъмол қилмаслик, овқатни ортиқча тановул қилмаслик лозим. Уларнинг ўрнига минерал сув, табиий шарбат, кўк чой ва сут-қатиқ маҳсулотларини истеъмол қилиш тавсия этилади. Пишлоқ ва сабзавотлар янада фойдали.

Овқатланиш рационига бўлган бундай ёндашув нафақат ўзни яхши ҳис қилиш, балки ортиқча вазндан қутилиш имконини ҳам беради. Бундай ҳолатда иссиқ ҳарорат "қаттиққўл мураббий" вазифасини бажаради. Шунингдек, ҳарорат кўтарилганида шакар истеъмолидан тийиниш лозим. Унинг ўрнига янги узилган ёки қуритилган мевалар, полиз экинлари ва табиий асал тановул қилиш мумкин. Чунки шакар сувнинг инсон танасидан чиқиб кетишига тўсқинлик қилади, меъёрий ҳолатда бўғланишига йўл қўймайди. Бунинг оқибатида тана қизий бошлайди. Туз ҳам инсон организмига худди шундай таъсир кўрсатади. Тузланган маҳсулотлар суюқликка бўлган эҳтиёжнинг янада ортиши ва унинг танада сақланиб туришига сабаб бўлади. Бу қон босимининг ортиши ва юрак хуружига олиб келиши мумкин.

Айниқса, иссиқ об-ҳавода алкоголь маҳсулотларининг салбий таъсири бир неча марта ортиб кетади. Алкоголь тана ҳужайраларидаги сувга қўшилиб кетади ва, ўз навбатида қизийди. Алкоголь таъсирида тана ҳарорати одатий шароитда цельсий бўйича 36,6 даражага кўтарилади. Қуёш "тиғи"да ҳарорат янада ортади ва натижада ҳушни йўқотиш, қон томирлари қисиши, ҳатто бундан-да ёмон оқибатларга олиб келиши ҳеч гап эмас.

Сув ичишнинг ҳам қоидаси бор: оддий сувдан кўра минерал сув истеъмоли афзал. Чунки минерал сув танамиздан бўғланган минераллар ва туз ўрнини қоплаш хусусиятига эга. Бунда 1,5 литр сувга бир дона лимон ёки апелсин шарбатини қўшиш анча фойдали.

Иссиқ ҳароратда кўк чой ичиш ҳам яхши ёрдам беради. Лекин чойни оз-оздан истеъмол қилган маъқул. Катта стаканда ичиш тавсия қилинмайди. Қора чой иситиш хусусиятига эга, кофе эса суюқликка ташналикни келтириб чиқаради.

Мева шарбати иссиқ ҳарорат вақтида энг фойдали воситадир. Уни ичиб ҳам ташналикдан, ҳам очлик ҳиссидан қутилишингиз мумкин. Бундан ташқари, кайфиятни ҳам кўтаради. Фақат шарбат тайёрланаётган мева ёки сабзавот янги узилган бўлишига эътибор бериш керак.

Инсон организми шундай: иссиқ ҳам совуқ ҳам ёқавермайди. Уни бир хил ҳароратда сақлаш эса ўзимизга боғлиқ.

ТУРФА ОЛАМ

# ҚРИМДА СКИФЛАР ҚАБРИ АНИҚЛАНДИ



***Россия Фанлар академиясининг археология институти мутахассислари Севастополдан узоқда бўлмаган жойдан милодий II-IV асрларга тегишли скифлар қабрини топди.***

Тадқиқотчиларнинг айтишича, қабрда кўп қимматбаҳо артефактлар мавжуд. Қабрни тадқиқ қилиш бир ярим минг йил авввал Қрим ҳудудида истиқомат қилган скифлар маданияти, анъаналари ва маросимлари ҳақида тўлиқроқ маълумот олишга кенг имкон беради.

Қазилма ишлари доирасида 1 минг 300 дан зиёд топилма йиғилди. Археологлар аёллардан бири кўмилган қабрдан кўза, амфора (икки тутқичли хум), пичоқ ва шишадан ясалган маржон, мунчоқ ва бошқа артефактларни аниқлашди. Унинг ёнидаги эркакнинг ёнидан қилич ва ханжар, шунингдек, жангда қўлланиладиган болта топилган. Бошқа топилмалар орасида қизил рангга бўялган идишлар, шишадан ишланган кўза, бир қанча металл тақинчоқлар ҳам бор.

Скифлар маданияти антик маданият ва варвар қабилалари анъаналарининг уйғунлашуви билан машҳур. Шу сабабли ҳам қабрларда олиб борилаётган қазилма ишлари II-IV асрлардаги Қрим тарихига тегишли бўлган кўплаб саволларга жавоб бериши мумкин.

**Мухторбек АБДУЛЛАЕВ**
**тайёрлади.**

МММда

# НАЗОРАТ ХАРИДИ: У ҚАНДАЙ АФЗАЛЛИККА ЭГА?

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзстандарт" агентлигининг халқаро муносабатлардаги мавқеи ва ҳамкорлик истиқболлари мавзусига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Тадбирда "Ўзстандарт" агентлиги бугунгача халқаро ва икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича дунёнинг 33 мамлакатидаги соҳавий ташкилотлар билан 47 битим ва келишувга эришгани таъкидланди. Шундан 12 таси ҳукуматлараро ва 35 идоралараро келишувлардир.

Бундан ташқари, агентлик Ислом давлатларининг стандартлаштириш ва метрология институти (SMIIC) ва Халқаро ўлчов тарозилар бюроси (BIPM)га аъзо бўлиш арафасида турибди. Бу, биринчи галда, юртимизга келаётган сайёҳлар оқимига ижобий таъсир кўрсатади. Экспорт қилинаётган товар ва хомашёларимиз, уларга берилган сертификат ва стандартларнинг дунё миқёсида тан олинишига, бунинг натижасида эса тадбиркорларнинг ортиқча ҳаракат ва харажат сарф этмаслини таъминлайди.

— Агентлигимиз кўплаб маҳсулот ва хизматларга берган сертификатнинг амал қилиш муддати асосан уч йилни ташкил этади, — дейди "Ўзстандарт" агентлиги бош директори ўринбосари Жасур Шукуров. — Уларнинг мавжуд стандартларга мувофиқ иш олиб бораётганини эса йилда бир марта синов назоратидан ўтказамиз. Президентимиз тадбиркорларга яратиб бераётган кенг имкониятлардан бири шу бўлдики, сўнгги пайтда мана шундай текширув ва синов назоратлари сони бутунлай қисқарди. Афсуски, бу ишончни суиистеъмол қилаётган "уддабуронлар" ҳам топилиб турибди. Шу боис бу каби ҳолатларга қарши курашиш, аҳолини сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш мақсадида маҳсулотлар сифатини назорат қилишнинг янги усули бўлмиш "назорат хариди"ни синовдан ўтказдик. Бу усул маҳсулот сотувга чиқарилган ёки истеъмолчига етказиб берилаётган жараённинг ўзида синов назоратидан ўтказилади ва натижаси оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилади. Тадбиркорга эса ҳеч қандай маъмурий чора кўриш назарда тутилмаган. Натижани эса ҳолат оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилганидан кейин кўриш мумкин. Табиийки, харидор сифатсиз маҳсулот харид қилишни истамайди. Ҳозирги кунда мазкур усулдан Европа давлатлари кенг тарзда фойдаланиб келмоқда ва бу ўзининг ижобий натижасини берган.

Матбуот анжуманида қайд этилишича, халқаро тажрибани ўрганиш ва буни юртимизда ҳам кенг жорий этиш мақсадида "Ўзстандарт" агентлигининг кўплаб мутахассислари чет элдаги ҳамкор ташкилотларда тажриба ошириб келмоқда. Бу ҳам соҳа ривожида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.

**Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ
Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва ҳалқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 716, Адади — 4273. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Мухторбек АБДУЛЛАЕВ
Навбатчи: Нигора НИШОНБОЕВА
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 23.30. ЎзА якуни — 23.10
ISSN 2010-7714
12345